*Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!*

# ХАЛК СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ: ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ, САФАР, 16-КУН.
ШАМСИЙ, 1370 ЙИЛ, СУМБУЛА, 11-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

*1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган* | 1991 йил 29 август, пайшанба, 166-сон | НАРХИ ОБУНАЧИГА 7 ТИЙИН. СОТУВДА 10 ТИЙИН.

# Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма пленуми тўғрисида

# АХБОРОТ

28 август куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма пленуми бўлди. Пленум «1991 йил 19-21 август кунлари мамлакатда содир бўлган фожиали воқеалар ва республика партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди. Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов маъруза қилди.

Маъруза юзасидан бўлган музокараларда: Қорақалпоғистон республика партия комитетининг биринчи котиби Д. Н. Шамшетов, Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссиясининг раиси С. Мамарасулов, Тошкент вилоят партия комитетининг биринчи котиби С. Д. Сайдалиев, шахсий пенсионер, республика Уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгашининг аъзоси П. Қаюмов, Самарқанд вилояти Жомбой районидаги «Жомбой» совхозининг бригадири Қ. Исоқова, Бухоро вилоят партия комитетининг иккинчи котиби Ю. М. Сажнев, Андижон вилоят партия комитетининг биринчи котиби Қ. Ҳ. Холмирзаев, Ўзбекистон ССР Президентининг миллатлараро муносабатлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Ш. С. Зиёмов, давлат-кооператив мева-сабзавот ва узумчилик концерни — «Узплодоовошчвнипром» бошқарувининг раиси А. Ҳ. Тошканбоев, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар вазири С. О. Азимов, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлимининг академик-котиби А. Д. Асқаров сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма пленуми қабул этган қарорда ва пленум қатнашчиларининг баёнотида 1991 йил 19-21 августдаги фожиали воқеалар, давлат тўнтариши, фавқулодда ҳолат давлат комитети деб аталган комитетнинг ғайриконституциявий хатти-ҳаракатлари мамлакатни фалокат ёқасига келтириб қўйганлиги таъкидланди. Исён бардод бўлганлиги СССРдаги ижтимоий-сиёсий вазиятни тубдан ўзгартирди, Иттифоқ давлат тузилмалари, республикалар, жамоат ташкилотлари, барча фуқаролар учун жуда жиддий оқибатларга сабаб бўлди, бир ҳовуч авантюрачиларни қўллаб-қувватлаган КПСС Марказий Комитети раҳбарияти ортодаксал қисми, Марказий Комитет Сиёсий бюроси ва Котибияти баъзи аъзоларининг қўрқоқ ва тутуруқсиз позицияси, партия сиёсий обрў-эътиборини ўнглаб бўлмайдиган даражада тушириб юборди ва партия ташкилотларининг, барча софдил коммунистларнинг тақдирини зарба остига қўйди.

Пленум республика ва Ўзбекистон Компартияси раҳбариятининг Ўзбекистон Компартияси Бюроси билан Марказий назорат комиссияси раёсатининг баёнотида, Ўзбекистон ССР Президентининг ғайриконституциявий ФҲДК-нинг кўрсатмалари ва қарорларини эътироф этмаслик тўғрисидаги Фармонида, республика Олий Кенгаши Раёсатининг, Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳри раҳбарлари иштирокидаги баёнотида эълон қилинган позицияси ва амалий ҳаракатларини қўллаб-қувватлади. Пленум мазкур позицияни аҳоли аксар кўпчилигининг туб манфаатларига ва орзу-умидларига мос бўлиб тушадиган, Ўзбекистон мустақиллиги, конституциявий тузумга садоқат принципларига асосланган позиция, деб баҳолади. XXII съезднинг республика суверенитетини, унинг Компартияси мустақиллигини таъминлашга қаратилган ҳамда ўз Ҳаракат дастури ва Уставида мустаҳкамланган йўли туфайли принципиал сиёсий йўл тутиш, ҳар қандай буйруқбозликдан ва ташқаридан аралашувдан қатъиян воз кечиш мумкин бўлди. Кейинги вақтларда республикада турмушнинг барча соҳаларида чуқур ўзгартишлар йўлида амалий қадамлар қўйилмоқда, бош мақсадларни амалга ошириш — иқтисодий ислоҳотлар даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, халқ фаровонлиги ҳақида, маданият ва маънавийликни тиклаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш бошланди.

Пленум мураккаб вазиятда турли ғиғвогарликларга учмай, сабр-тоқат, донолик ва осойишталикни намоён этган Ўзбекистоннинг барча коммунистларига, меҳнаткашларига, аҳолисига миннатдорчилик ва ташаккур изҳор этди.

Ўзбекистон Компартияси, унинг раҳбар органларининг КПСС Марказий Комитети, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси ва Котибияти собиқ раҳбарлари, ортодоксал фикрловчи ва уларнинг йўлини қўллаб-қувватловчи ақидапарастлар қилган барча ёвузликлар, сохтакорликлар ва жиноятларга мутлақо алоқаси йўқлиги билдирилди. Республика Компартиясининг КПСС Марказий Комитети билан ҳар қандай алоқаларини тўхтатиш, КПССнинг барча тузилмаларидан чиқиш, унинг марказий органларидаги ўз вакилларини чақириб олиш зарур. Ўзбекистон Компартияси тўла-тўкис мустақил сиёсий ташкилот бўлиб қолиши керак, ҳозирги шароитда у ўз аъзоларининг тақдири, республиканинг ва халқнинг келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодирдир.

Мустақил сиёсий ташкилот бўлмиш республика Компартиясининг бундан буёнги фаолияти билан боғлиқ бўлган масалаларнинг бутун мажмуини кўриб чиқиш мақсадида пленум шу йил 14 сентябрь куни Ўзбекистон Компартиясининг фавқулодда XXIII съездини чақиришга қарор қилди.

Съездга вакиллик меъёри (900 партия аъзосидан бир делегат) белгиланди ва делегатларни сайлаш тартиби ишлаб чиқилди. Фавқулодда XXIII съездни тайёрлаш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ваколатли комиссияси тузилди.

Пленум Қорақалпоғистон республика партия комитетига, вилоят, шаҳар ва район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига ишлаб чиқилган қарорларни барча коммунистларга етказишни, Ўзбекистон Компартиясининг фавқулодда XXIII съездига тайёргарлик кўриш юзасидан ташкилотчилик ва сиёсий ишни авж олдиришни топширди.

Республика коммунистлари жамоа ақл-идроки асосидагина, биргалашиб тўғри сиёсий йўлни ишлаб чиқа олишлари қайд этилди. Ҳозир улар саросимага тушмасликлари ва ғиғвогарликларга учмасликлари, партиямизни демократия негизида чуқур ислоҳ этиш учун ҳамма ишларни қилишлари керак.

Пленум республиканинг барча меҳнаткашларига ва аҳолисига мурожаат этиб, Ўзбекистон Компартиясини қўллаб-қувватлашга чақирди. Янги сифатга эга бўлиб қолган Ўзбекистон Компартияси кенг оммага таяниб, бундан буён ҳам инсон ҳуқуқларига риоя этиш, ижтимоий адолат йўлини изчиллик билан оғишмай ўтказаверишга, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатлар учун муносиб турмуш шароитларини яратишга, миллатлараро иноқлик, ахлоқийлик ва инсонпарварлик қондалари асосида уларни маънавий жиҳатдан янгилашга қодирдир.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма пленуми ўз ишини тамомлади.

# МАМЛАКАТДА 19—21 АВГУСТ КУНЛАРИ СОДИР БЎЛГАН ФОЖИАЛИ ВОҚЕАЛАР ВА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

# *И. А. КАРИМОВ маърузаси*

Ўртоқлар!

Шу кунларда мамлакатимизда содир бўлган ва содир бўлаётган воқеаларни мушкул воқеалар деб аташ учун барча асослар бор. Мазкур воқеалар мамлакатдаги барча тузилмалар учун жуда жиддий оқибатларни келтириб чиқарди. Фавқулодда ҳолат давлат комитети, СССРдаги олий даражадаги амалдорларнинг бир гуруҳи томонидан 19—21 август кунлари амалга оширилган жинояткорона давлат тўнтаришининг барбод бўлиши мамлакатдаги барча ижтимоий-сиёсий кучлар нисбатининг зудлик билан ўзгаришига олиб келди.

Қандай воқеалар содир бўлгани ва содир бўлаётгани ҳақида ахборот жуда кўп. Уларни такрорлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак, деб ўйлайман. Сиз буни оммавий ахборот воситаларининг расмий хабарларидан яхши биласиз. Мамлакатда содир бўлаётган воқеалар Ўзбекистонга, унинг тақдирига, ўлкамиз халқининг тақдирига бевосита дахлдор десам, сиз менинг бу фикримга қўшиласиз, деб ўйлайман.

Шуларнинг ҳаммаси ва доимо ўзгариб турган вазият бизни ушбу пленумни чақиришга ва сиз билан фавқулодда муҳим масала хусусида маслаҳатлашиб олишга даъват этди. Бу Ўзбекистон Компартиясининг тақдирига бевосита дахлдор масаладир. Қарор қабул қилишдан аввал, халқ мақолида айтилганидек, етти ўлчаб бир кесишимиз керак бўлади.

Мамлакат учун таҳликали шу кунларда Марказий Комитет Бюроси, ҳукумат, Олий Кенгаш ва республика Президенти сифатида мен воқеалардан ҳамиша бохабар бўлиб турдик, ўз ишимизни бир соатга ҳам тўхтатганимиз йўқ. Биринчи кундан, воқеалар бошланган дақиқаларданоқ, биз партия комитетлари ва ташкилотларини, маҳаллий Советларни сабр-бардошли ва вазмин бўлишга, барқарор ижтимоий сиёсий вазиятни сақлаб қолиш учун ўз нуфузларидан фойдаланишга ва ўз таъсирларини ўтказишга, республика ҳудудида фавқулодда ҳолатнинг жорий этилишига йўл қўймасликка, КПСС Марказий Комитети Котибияти номидан Конституцияга зид давлат тўнтаришини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги ғиғвогарона чақириқларга учмасликка даъват этдик.

Фаоллар билан учрашувларда республика Давлат мустақиллиги тўғрисидаги декларация қоидаларига, конституцион тузум қоидаларига қатъий риоя этиш тўғрисида жамоа бўлиб ишлаб чиқилган йўлни изчил ва қатъиян билан ўтказдик. Республика Президенти, Марказий Комитет биринчи котибининг халққа қилган Мурожаатномасида айтилганидек, марказдан қандай кўрсатмалар келишига, қандай ваъдалар берилишига, қандай чақириқлар янграшига қарамай, ҳар қандай шароитда ҳам биз ўз қадр-қимматимиз ва виждонимизни йўқотмадик, ўз сиёсий йўлимизни ўзгартирмадик. Бизнинг фикримизча, аксарият аҳолининг эҳтиёжлари ва умидларига ҳамоҳанг бўлган қарорларни ўзимиз мустақил қабул қилдик. Барқарорлик, тартиб-интизом, фуқароларнинг тинчлиги ва миллий тотувликни сақлаб қолишга ёрдам бердик, буларсиз республиканинг ҳозирги куни ва келажагини тасаввур қилиб бўлмайди.

Турли ижтимоий ва сиёсий гуруҳлар ўртасидаги ихтилофларни тинч даврда ҳал этиш учун куч ишлатиш, аввало, ҳарбий куч ишлатишга қатъиян қаршилигимизни билдирдик. Ўзига фавқулодда ҳолат комитети деб ном қўйиб олган машъум комитетнинг Конституцияга зид ва ғайриқонуний фармонлари ҳамда қарорлари Ўзбекистон ҳудудида Президент Фармони билан ҳақиқий эмас, деб эълон қилинди.

Бизнинг позициямиз ҳалол ва очиқ-ойдин бўлди. Биз ҳеч нарсани ҳалқдан яширганимиз йўқ. Халқимиз шармандаларча сиёсий ғиғвогарликка учмагани ва республикада осойишталик ва аниқ меҳнат маромини сақланиб қолиши учун ҳамма ишларни қилгани учун биз халқдан беиҳтиёр миннатдормиз. Ана шу таҳликали ва ола-ғовур кунларда коммунистлар, партия ташкилотлари ўз шаъни ва қадр-қимматини баланд тутдилар. Бугун биз сира уялиб қолганимиз йўқ. Улар барча софдил кишиларнинг қўллаб-қувватлашига таяниб, халқнинг турмуш даражасини яхшилашнинг долзарб муаммоларини кўчаларга танклар чиқариб ҳам, майдонлардаги баландпарвоз даъватлар билан ҳам ҳал қилиб бўлмаслигини обдон уқиб олдилар. Республика коммунистлари халқ билан бирга бўлдилар ва бугун халққа ёруғ юз билан қарашлари мумкин.

Шу кунларда республика партия комитетлари, совет ва давлат идоралари, оммавий ахборот воситаларига коммунистлар, меҳнаткашлар, аҳолининг турли табақаларининг вакилларидан кўплаб мактублар келмоқда, уларнинг аксарияти Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ва Марказий назорат комиссияси раёсатининг 23 август куни эълон қилинган Баёнотида берилган баҳолар ва чиқарилган хулосаларга қўшилмоқдалар. Бу мактубларда меҳнаткашларнинг республика тақдири учун хавотирланаётгани баён этилган, КПСС Марказий Комитети раҳбариятининг ортодоксал қисми қўрқоқлиги, жинояткорона ва бебурд ҳаракатлари оқибатида минг-минглаб софдил кишилар тушиб қолган вазиятга ҳеч ким бефарқ қараб тургани йўқ.

Биз принципиал позициямизни астойдил қўллаб-қувватлаган барча кишилардан миннатдормиз. Бу мадад ишончимизга ишонч, кучимизга куч қўшади, мустақил сиёсий йўлимизни изчил ўтказишимиз учун мустаҳкам замин яратади.

Бугун ишонтириб айтмоқчиманки, биз бундан буён ҳам коммунистлар билан маслаҳатлашмай, Марказий Комитет Пленуми аъзоларининг фикрини инобатга олмай ҳеч қандай туб қарорларни қабул қилмаймиз. Дарвоқе, Уставимизга биноан съездлар оралиғидаги даврда Марказий Комитет энг муҳим сиёсий масалаларни ҳал этиш ва республика Компартиясининг тутган йўлини ифодалаш учун барча ваколатларга эгадир.

Мен М. С. Горбачев қабул қилган қарорга мутлақо қўшилмайман. У КПСС Марказий Комитети Бош котиби ваколатларини зиммасидан соқит қилиш ҳуқуқига эга, албатта. Лекин партия ўзини ўзи тарқатиб юбориши тўғрисида, партия мулкининг тақдири тўғрисидаги масалани Пленум ёки партия съезди ҳал этиши керак.

М. С. Горбачевнинг ўша маълум баёнотидан кейин турмушимизнинг оғир воқелиги ҳозир партиямизнинг бундан буёнги тақдири тўғрисидаги масалани олдимизга ўткир қилиб қўйди. Бу шундай масалаки, уни пировард натижада фақат республика коммунистларининг съезди ҳал этиши мумкин. Фақат ана шу съездгина партиямиз ҳозиргидек қоладими ёки қолмайдими, деган масалани ҳал этишга ваколатлидир. Партиянинг қиёфасини кескин ўзгартириш, унинг Дастури ва Уставини принципиал ўзгартириш масалалари ҳам съезднинг ваколатидир. Учинчи йўл ҳам бор, у ҳам бўлса партия ўзини ўзи тарқатиб юбориши йўлидир.

**Агар турли фикрларни умумлаштирадиган бўлсак, учта вариант ана шулардан иборат. Бугунги Пленумда мен шуларни муҳокама қилишни таклиф этаман.** Буларни муҳокама қилишга бағоят масъулият билан киришмоғимиз, биз танлаб оладиган йўл партиямиз тақдирига дахлдор бўлишини, юзлаб ва минглаб кишиларнинг ҳаёти ва қисматини белгилаб беришини тушуниб етишимиз керак. Бу бизнинг истиқболимиз учун, қаёққа боришимиз, олдимизга қандай мақсадларни қўйишимиз ва ҳаракатимизда нима белгиловчи нарса бўлиши учун ҳал қилувчи аҳамият касб этади, десам, хато қилмаган бўламан.

Ўтган куни Марказий Комитет Бюроси ва Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссияси раёсатининг кенгайтирилган мажлиси бўлди, бу мажлисда вилоятлар, бир қанча шаҳарлар партия ва назорат ташкилотларининг раҳбарлари, республикадаги йирик корхоналар партия комитетларининг котиблари иштирок этдилар. Биз жамоа бўлиб ишлаб чиқилган мавқеимиз ҳақида сизларга сўзлаб беришга қарор қилдик.

Сизларга, Марказий Комитет ва Марказий назорат комиссияси аъзоларига, республиканинг барча коммунистларига мурожаат этиб, шуни таъкидлашни истар эдимки, сўнгги йилларда оғишмай амалга оширилаётган йўлимиз, бизнинг сиёсатимиз ҳеч қачон пала-партиш ва манфаатпарастлик тусида бўлмаган. Партиямнз қандай бўлиши лозимлигини, унинг асосий мақсадлари нималардан иборат бўлиши кераклигини ва истиқболни биз қандай тасаввур этаётганимизни, ҳалқимизни, республикамизнинг барча меҳнаткашларини биз қайси йўлга даъват этаётганимизни аниқравшан белгилаб олганмиз.

Келинг, XXII съездга қилинган Ҳисобот докладига, шу съезд қарорига, Марказий Комитетнинг сўнгги пленумлари қарорларига, республика раҳбариятининг жамоатчилик олдидаги нутқларига яна бир карра назар ташлайлик. Ниҳоят, КПСС XXVIII съездида республика коммунистлари номидан мен сўзлаган нутқ матнига назар ташлайлик. Шундай қилиб, позициямиз аниқ-равшанлигига тўла қаноат ҳосил қилиш мумкин.

Биз, ўзбекистон Компартияси ўзининг бутун тарихи мобайнида аслида партиянинг стратегик йўлини белгилашга яқин йўлатилмаганлиги, кўп ҳолларда у КПСС марказий органларининг қарорларига қарам бўлиб қолганлигини рўй-рост айтган эдик. Худди шу боисдан биз партиямизга ҳақиқатан ҳам мустақиллик берилиши лозимлигини, теран сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан ўтказишда республика халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушадиган ўз йўлимизни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳуқуқи берилишини қатъият билан талаб қилган эдик.

Ҳозир бутун мамлакатда бўлаётганидек, коммунистларни, халқимизни чалғитишга, ўзининг мутлақо асоссиз ўйдирмалари билан одамларни гиж-гижлашга уринаётган кимсага ҳозирги пайтда айрим масъулиятсиз арбобларга эргашиб, бизнинг ўтмишимиз, бугунги кунимиз ва бизнинг мақсадларимизни оёқости қилаётган барча кимсаларга мен шуни қатъият билан айтмоқчиманки, биз ҳамиша республикамиз Компартиясига тўла мустақиллик берилишини талаб қилиб келдик (амалда буни рўёбга ҳам чиқардик), бундан кузатилган мақсад ўз ҳудудида партия барча масалаларни мустақил ҳал этилиши, ўз стратегия ва тактикасини аксарият аҳолининг фикрига, КПССнинг умумий Дастурига таяниб, мустақил белгилаши лозим эди. Бизнинг сиёсатимизга таъсир эта оладиган ва уни белгилаб берадиган бирдан-бир мезон бор — у ҳам бўлса халқимизнинг фикридир.

Сизга маълумки, биз ўз позициямизни КПСС XXVIII съездида принципиаллик билан айтдик ва ҳимоя қилдик. Аммо бизнинг фикримизни тўла-тўкис тушунишмади ва қўллаб-қувватлашмади. Шундай қилиб, биз ана шу барча масалалар юзасидан йўлимизни мустақил белгилаб олишни, бунинг учун республика коммунистларининг XXII съезди иккинчи босқичини чақиришни, ушбу анжуманда Ҳаракат дастуримизни ва Уставимизни қабул қилишни ўз бурчимиз, деб билдик. КПСС Марказий Комитети раҳбариятининг консерватив қисми жиддий тазйиқ ўтказганига қарамай, биз қонунда кўзда тутилганига риоя этиб, Ўзбекистон Компартияси Уставини рўйхатдан ўтказдик, мустақил сиёсий ташкилот ҳуқуқий мақомини олдик.

Яна бир карра шуни таъкидламоқчиманки, XXII съезд иккинчи босқичининг жами ҳужжатларида халқимизнинг тарихи, унинг урф-одатлари ва анъаналари, маҳаллий шароитлар, халқнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушадиган мустақил сиёсий йўлимиз тўла-тўкис ўз ифодасини топди. Бу, аввало, Ўзбекистон Компартияси Ҳаракат дастурида, унинг Уставида акс этди, кези келганда айтиш керакки, ушбу ҳужжатлар КПСС XXVIII съездида қабул қилинган Устав ва дастурий баёнотдан тубдан фарқ қилади.

Журъат билан айтмоқчиманки, халқимиз аҳолининг ҳамма табақалари томонидан қабул қилинган ва маъқулланган Дастуримизда қуйидагилар баён этилди: ўзбек халқининг фаровонлиги, миллатидан, диний эътиқодидан ва мавқеидан қатъи назар, республика ҳудудида яшаётган барча кишиларнинг фаровонлиги шундай олий мақсаддирки, бу йўлда биз ҳар қанча жон куйдиришга тайёрмиз. Бу мақсадга эришишнинг асосий йўли, бизнинг назаримизда, фуқароларнинг осойишталиги, миллий тотувлик, тадбиркорликнинг тўла иқтисодий эркинлиги шароитида республика турмушининг барча соҳаларида қатъий интизом ва тартибдир.

Ана шу мақсадлар ва усуллар, уларга эришиш йўллари вилоят, шаҳар, район ташкилотларида қабул қилинган жами ҳужжатларда тасдиқланди. Бугун ана шу олижаноб мақсад партиянинг республика аҳолиси қўллаб-қувватлашини таъминлайдиган бош мафкураси бўлиб қолиши керак, деб айтиш учун бизда тўла асослар бор.

Ишончимиз ҳамиша шунга комил эди ва ҳозир ҳам шу фикрда собит турибмизки, ана шу мақсадга эришмоқ учун жами иқтисодий алоқаларни, умуман республика иқтисодиётини мафкурадан холи қилиш, ҳар қандай «...изм»лардан ва бошқа ҳамиша оёқ-қўлимизни чандиб ташлаган, ёшини яшаб бўлган сафсатабозликдан иборат мафкуралардан воз кечишимиз керак.

Мен бу хусусда шунинг учунгина батафсил тўхтаб ўтмоқчиманки, заминида қуруқ, жозибадор бўлиб кўринган баёнотлар, сиёсий тусдаги шиорлардан бошқа на бир мустаҳкам замини, на иқтисодий дастури бўлган партиялар ва ҳаракатлар бор. Ана шу далиллар, бизнинг муҳолифларимиз билан одамларни ҳаяжонга солиб турган масалалар хусусида бўлиб ўтган барча учрашувларимиз, барча мунозаларимиз мазкур ҳақиқатни тасдиқлаб турибди.

Бизнинг фикримизча, ҳар қандай партия, ҳар қандай ижтимоий ҳаракат етакчилик ролига даъво қилмоғи учун у халқни даъват этаётган сиёсий мақсадлари, шиорлари, ҳуллас, буларнинг ҳаммаси амалий ҳаракатлар, аниқ-равшан иқтисодий дастур билан тасдиқланиши керак.

Ана шундай фавқулодда мураккаб шароитда, бесўнақай иқтисоднёт шароитида, у фақат ҳом ашё етказиб бераётган бир шароитда, республикамиз бошқа минтақалар ва марказга тўла қарам бўлиб қолган бир вақтда ҳаётий муаммоларимизни қандай қилиб ва ниманинг эвазига ҳал қилиш лозим? Шу муносабат билан мен қуйидагиларни айтмоқчиман: 1917 йил инқилобига қадар ҳам, ундан кейин ҳам ана шундай ҳоқонлик стратегияси юқоридан Ўзбекистонга юборилаётган барча қонунлар, режалар, кўрсатмаларнинг негизини ташкил этган эди. Аҳвол шундайки, бизнинг жуғрофия аҳволимиз, коммуникацияларимиз, ҳаво йўлларимиз, темир йўл транспортимиз — буларнинг ҳаммаси бутунлай марказдагиларнинг хоҳиш-иродаси ва қарорларига боғлиқдир. Хўш, ана шундай жўн бўлмаган шароитда Ўзбекистонда барқарорлик, осойишталик, тинчлик, миллатлараро тотувлик ва фуқароларнинг тотувлигини қандай қилиб сақлаб қолиш мумкин. Энг асосийси — одамларнинг қорнини тўйдириш, кийин тириш, уларни ишга жойлаштириш, энг кам миқдорда бўлса ҳам ҳар бир оила, ҳар бир кишининг яшаши учун зарур бўлган барча нарсалар билан аҳолини узлуксиз таъминлаб туришдир.

Худди ана шу долзарб масала хусусида биз муҳолифлар билан ва ҳозир халқни бошқа йўлдан бошлаб боришга даъвогар бўлган барча кишилар билан ҳар қандай мунозарани бошлашимиз мумкин.

**(Davomi иккинчи бетда).**

## *Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг қарори*

**Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясини чақириш тўғрисида**

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессияси 1991 йил 31 август куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси**
**Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**

1991 йил 28 август.

* * *

Ўзбекистон ССР ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш назарда тутилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги ҳақида.
2. Ўзбекистон республикасининг давлат байроғи тўғрисида.
3. Ўзбекистон ССР Президентининг Фармонларини ва Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг баъзи ҳужжатларини тасдиқлаш ҳақида.

# И. А. КАРИМОВ маърузаси

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

Яна қайтариб айтмоқчиман. Биз халқнинг қисмати, унинг истиқболи тўғрисидаги барча фикр-мулоҳазалар орасидан халқ манфаатига хизмат қиладиган барча амалий, барча ижобий фикр-мулоҳазаларни қабул қилишга тайёрмиз, эртага ҳар бир оилада, жамиятимизда тинчлик ва осойишталикни бузишга, ҳалокатга олиб бормайдиган барча фикр-мулоҳазаларни қабул қилишга тайёрмиз.

Иттифоқ шартномасини тайёрлаш ва уни имзолашга бизнинг муносабатимиз аввалбошданоқ худди шу фикрга асосланган эди. Биз аниқ ҳисоб-китоб қилиб чиққан эдик. Биз Ново-Огаревдаги ва бошқа жойлардаги барча расмий учрашувларимизда шу ҳақда гапирдик. Биз бу ҳақда одамларимизни, халқимизни ошкора хабардор этдик, биз дабдабали, аммо қуруқ ватанпарварлик тарафдори эмасмиз, биз келажакни ўйлаб иш юритмоқдамиз, биз одамларни зарур нарсалар билан таъминламоқчимиз, биз Ўзбекистонда яшаётган барча кишиларнинг фаровон яшаши ва осойишта бўлиши учун ҳаракат қилмоқдамиз.

Агар Иттифоқ шартномасининг матбуотда эълон қилинган сўнгги вариантини танқидий нуқтаи назардан яна бир карра идрок этадиган бўлсак, у бизнинг бош мақсадимиз бўлган масалаларни, биз узоқ вақтдан буён ўйлаб юрган масалаларни, бизнинг сиёсатимизга ҳамоҳанг бўлган, одамларимизнинг эҳтиёжлари ва интилишларига мос келадиган масалаларни ҳал этишнинг муросали, келишиб олинган йўлларини назарда тутган эди.

Гап нима ҳақда бормоқда?

**Биринчидан.** Биз бу шартномани шунчаки Иттифоқ шартномаси деб эмас, айни вақтда суверен давлатлар шартномаси, деб атадик, бунда ҳар бир республика, шу жумладан, суверен давлат ҳисобланган Ўзбекистон ҳам миллий-давлат тузилиши масалаларини ўз ҳудудида сиёсий, иқтисодий масалаларнинг ҳаммасини мустақил ҳал этиб, ўз хоҳишига, республика хоҳишига кўра янгитдан тузилиши мўлжалланаётган, янгиланган Иттифоқда оқилона ва мақсадга мувофиқ тарзда ҳал этилиши лозим бўлган ваколатларини кўнгилли равишда Иттифоққа топширади.

Очиғини айтганда, ҳар биримиз — ана шу барча музокаралар қатнашчиларининг ҳар бири, мен ўзим ҳақимда айтишим мумкин, буни аниқ кўриб турди ва мазкур шартнома анчадан бери Федерацияни ташкил этиш тусида ва мақсадида эмас, балки конфедерация тусида ва мақсадида тузилгани хусусида ўзига ҳисоб берар ва буни кўриб турарди.

**Иккинчидан.** Биз учун Иттифоқни федерация ёки конфедерация деб аташ асосий масала эмасди, балки мазкур шартнома олдимизда қандай истиқболлар очади, қандай мустақиллик беради, қандай озодлик келтиради — ана шу нарса муҳим эди. Бу — бизнинг иқтисодий стратегиямизга жавоб бериши муҳимдир. Шундай катта республикага, табиий, моддий-хом ашёвий ресурсларга бой, халқи меҳнатсевар республикага, у 20 миллионли аҳолини эмас, балки ундан икки баравар кўп аҳолини боқа оладиган республика учун, мен бу ҳақда кўп марта айтганман, ўз мақсадига эришиш учун ташқи алоқалардан тўла фойдаланиш, жаҳон бозорига мустақил чиқиш, хорижий сармояларни жалб этиш, қўшма корхоналар тузиш, Ўзбекистон зарур деб ҳисоблаётган барча мамлакатлар билан консуллик ва дипломатик муносабатларни ўрнатиш ва истиқболда БМТнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлиш зарур.

Биз учун республиканинг ички ҳаёти, энг аввало, маданияти, маорифининг ривожи, анъаналаримиз, маънавий ҳаётимиз барча жиҳатларининг ривожи ташқаридан ҳеч қандай зўравонликсиз ва аралашувсиз фақат биз томонимиздан ҳал қилиниши ҳам муҳим эди.

**Учинчидан.** Яна шу нарса ҳам муҳимки, Иттифоқда давлат ҳокимиятининг янги тузилмаларида, энг аввало, Олий Кенгашда Республикалар Кенгаши қатъий ва ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу тенг овозга эга бўлган ва моҳияти билан янгиланган Иттифоқнинг жуда муҳим масалаларини ҳал этадиган, Иттифоқни ташкил қиладиган барча жумҳуриятларнинг вакиллигидир.

Бугун мен айтган, Иттифоқ шартномасида кўзда тутилган кўпгина масалаларни унинг имзоланишини кутиб ўтирмай амалга ошира бошлаганимизни ҳам таъкидлаш зарур.

Келинглар, сизлар билан биргаликда мустақил сиёсий йўлимизни амалга ошириш борасида кўрсатаётган куч-ғайратимиз ҳамда аниқ бир мақсадга қаратилган ишларимиздан айрим мисоллар гагина тўхтаб ўтайлик. Бундай мисоллар етарли бўлиб, масалаларнинг кўпчилиги сизнинг бевосита иштирокингизда ҳал қилинмоқда. Буларнинг ҳаммаси бизники, уларни биздан ҳеч ким тортиб ололмайди.

Одамларнинг ижтимоий ҳимояланиш даражасини оширишга алоқадор кўп вазифалар ҳал қилинди. Уларнинг анчаси қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамланди, Президент фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларида мужассамланди. Бу ерда гап ер участкалари ажратиш, одамларни ўз ёрдамчи хўжаликлари ҳамда якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун барча зарур нарсалар — уруғлик ва кўчатлар, бузоқ ва парранда, бинокорлик материаллари билан таъминлаш тўғрисида бормоқда. Одамлар ўз оилаларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш билан бирга хўжаликлар билан ортиқча маҳсулотларни харид қилиш тўғрисида меҳнат битимлари тузиш имкониятига эга бўлдилар.

Ўқитувчиларнинг пенсияси, маоши, талабаларнинг стипендиялари оширилди. Бошланғич синф ўқувчилари учун бепул нонушталар ташкил этилди, ҳомиладор, кам қонли аёллар имтиёзли овқатланишлари учун имконият яратилди. Уруш қатнашчилари, ўқитувчилар яшаётган давлат ва идораларнинг уйлари шахсий мулкка топширилиши тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Бозор инфраструктурасини шакллантириш юзасидан ташланган дастлабки қадамлар сезиларли бўлмоқда. Республика марказий иқтисодий идоралари ислоҳ қилиниш босқичида турибди. Улар ўз фаолиятида тақсимлаш принципларидан тобора кўпроқ воз кечмоқдалар, марказнинг буйруғидан халос бўлмоқдалар ва мулк шакли ҳамда кимга тобелигидан қатъи назар, республикада жойлашган барча корхоналар ва ташкилотлар ишини мувофиқлаштиришга тобора кўпроқ аҳамият бермоқдалар. Молия-кредит соҳасида чуқур ўзгаришлар рўй берди. Ишга жойлаштириш хизмати мутлақо янги асосда қайта ташкил этилмоқда.

Кичик мулкни хусусийлаштириш соҳасида сезиларли силжишлар бўлди. Савдо, матлубот кооперацияси, маиший хизмат, маҳаллий саноат тизимида мулкчиликнинг бошқа шакллари билан бир қаторда хусусий корхоналар фаолият кўрсатмоқда, кооперативлар ва кичик корхоналар тармоғи кенгайди.

Ташқи иқтисодий фаолиятимиз анча ривожланди. Тошкент ишбилармонлар учрашуви ташқи бозордаги ишларимизни жадаллаштиришга, хорижий компаниялар, фирмалар ва банклар билан бевосита, ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатишга туртки бўлди. У хориждаги кўплаб бизнесменлар учун Ўзбекистон мисолида истиқболли ва ишончли шерикни топиб берди. Учрашув чоғида ва ундан кейин имзоланган битимлар ва шартномалар республикамизнинг ташқи иқтисодий имконияти катта эканидан, хорижий шериклар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатишда ўзаро манфаатдор эканидан далолат беради.

Биз буларнинг ҳаммасини мустақил равишда, етилган масалаларни ҳал этишда Иттифоқ идораларидан анча ўзган ҳолда қиляпмиз ва марказда ҳеч ким бизни бу масала юзасидан табриклагани йўқ. Аксинча, буларнинг ҳаммасини Президент Каримовнинг ўз ҳолича иш тутишидир, деб ҳисобладилар. Буларнинг ҳаммаси Иттифоқ кўрсатмаларига жавоб бермайди ёки уларга зиддир, буларнинг ҳаммаси вақти келиб тугатилади, деб айтишди.

Бунинг ажабланадиган жойи йўқ. Марказ ўтказаётган сиёсат чор Россияси ўтказган сиёсатдан кам фарқ қиларди, республикамиз хом ашё базаси бўлиб қолганди ва бундай ҳолга барча ташкилотлар, энг аввало, КПСС Марказий Комитети билан Иттифоқ раҳбар органлари асосий масала, деб қарарди лар. Улар фақат бир нарсани билишарди — мазкур минтақа пахта, хом ашё билан таъминлаши керак, қолгани эса сувга чўкаётганларнинг ўз ихтиёридадир, деб ўйлашарди. Бизга кўп нарсалар ваъда қилинди. Республикамиз мамлакат пахта мустақиллиги йўлида анча қурбонлар берди. Биз, энг аввало, аҳолини гўшт, сут, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан, халқ истеъмоли моллари билан таъминлаш масалаларида қарам бўлиб қолдик. Экология тўла бузилганлиги тўғрисида гапирмай қўя қолайлик. Бу ўринда кишиларнинг заҳарланганлиги ва улар умрининг қисқарганлигини айтиб ўтиш кифоя. Бу КПСС Марказий Комитетининг партия шиори остида олиб борган сиёсати эди. Буларни тўғридан-тўғри ва ошкора айтиш керак, бу сиёсат Ўзбекистонни жар ёқасига олиб келди, уни қашшоқлаштириб юборди. Бизни ўзингизни ўзингиз боқа олмайсиз ва сизга берилаётган ҳар бир садақа учун марказга миннатдорчилик билдиришингиз керак, деб ишонтиришарди.

Келинглар, очиғини айтайлик. Съезд қарорларига ҳеч бўлмаса бирорта керакли сатр киритиш учун қанчадан-қанча қийинчиликларга дуч келинар, азоб тортиларди. XXVIII съездни олиб кўрайлик. Беш республика вакиллари Орол фожиасига доир резолюция қабул қилиниши учун қанча уринганликларини эсга олинг. Съезд жуда кўп қарорлар қабул қилди. Лекин бизнинг, айтиш мумкинки, Орол бўйидаги одамлар аслида ўлиб кетаётгани, ирсиятимиз ҳалокатга йўлиқаётгани тўғрисидаги қалб ҳайқириғимизни ҳеч ким эшитмади, пешонамиз метиндек қалин деворга бориб урилаверди.

КПСС Марказий Комитетининг менсимаслиги ва буйруқбозлиги шу даражага бориб етдики, Марказий Комитет котиби ёки вилоят комитетининг биринчи котиби ҳақида гапирмоқ ёки қўяқолайлик, ҳатто обком котибини тавсия этиш учун келишиб олишга яқин-яқингача мажбур бўлиб келдик. Ким билан келишардик денг? Қандайдир сектор мудири ёки йўриқчи билан, унинг хонаси олдида қабул қилишини кутиб навбатда турардик. Барча даражадаги партия ходимларининг тақдири шу кишиларга, КПСС Марказий Комитети аппаратининг оддий амалдорларига боғлиқ бўлиб қолганди.

Могильниченко, Бессарабов ҳамда уларнинг энг фаоли Пономаревни бир эсланг. Уларнинг бу ерга келиши қандай таърифланган эди. Бу бутун бир воқеа бўлганди. Лекин улар ўзларидан яхши хотира қолдиришмади. Улар биринчи котиб хонаси эшигини чап оёғи билан очиб кирардилар. Ўшанда Пленумларда қилинган барча маърузаларни, мен шуни очиқ айтишим керакки, аввалига Пономарев, Анишчев, Огарок ва уларнинг тўдаси таҳрир қиларди, сўнг Усмонхўжаев минбарга чиқиб, тайёр ана шу нарсаларни ўқишга тушарди. У кўпинча маърузада гап нима ҳақда бораётганини билмаган ҳолда ўқирди.

Ана шу кишиларнинг хоҳиш-иродаси билан қанчадан-қанча одамларнинг, шу жумладан, коммунистларнинг, қанчадан-қанча раҳбарлар ва улар оилаларининг тақдири бузилди. Ўзбекистонни ҳеч қачон билмаган, унинг тили, маданияти, бугунги куни ва ўтмишини билмаган, умрида Ўзбекистонни кўрмаган бу одамлар унинг фақат қулларча таъзим қилишини хоҳлашарди. Шундай кишилар сиёсат юргизишарди. Юқорида ўтирганларнинг ҳаммаси уларнинг амалдорлари тайёрлаган қарорларгагина имзо чекишарди.

Фақат 1989 йилда, Ўзбекистонда, Гдлян ва Иванов «фаолиятига» қарши қаттиқ кураш авжига чиққан вақтдагина ҳушимизга келдик. Халқ ҳақоратланган эди, кўҳна маърифатга, жуда бой маданиятга, буюк меъморлар ва мутафаккирларга эга бўлган бу халқни тиз чўктиришни хоҳлардилар. Ана ўшанда, халқимиз уйғона бошлаганда тўғонлар очилиб, жилла бўлмаса ҳаддидан ошган прокурорлар ва терговчиларни тийиб қўйишга ҳаракат қилинди.

Мен Гдлян билан Ивановнинг зиммасига керагидан кўпроқ айбларни юклаётганимизга ишонаман. Улар олий даражадаги раҳбарларнинг қўлларида итоаткор қурол бўлган эдилар, холос.

Бу ишнинг бошида турган Лигачев қаерда? У шу кунгача ўзини жуда яхши ҳис-қилмоқда, эсдаликлар ёзмоқда, қолганларнинг ҳаммаси ҳам дам олиб юришибди. Ўзларига ёқмайдиган барча кишилардан ана шу баҳонада ўч олиш имкониятини берадиган рўйхатларни Тошкентдан юбориб турган ва хушомадгўйларча ахборот билан таъминлаган ювиндихўрлар қаерда қолди? Бу кишиларга ҳеч қандай раҳм-шафқат бўлиши ва уларни кечириш мумкин эмас.

Хўш, КПСС Марказий Комитетида Гдлян билан Ивановни тўхтатиб қолишга ким уринди? Қанчадан-қанча хатлар, адолат сўраб ёзилган илтимосномалар... Уларни тўхтатишга ким ҳаракат қилди, ҳеч ким. Барча қишлоқлар, районлардан юборилаётган бу илтижоларда акс этган халқ қайғуси, унинг нидоларини ҳеч ким эшитмади.

Бу бизнинг кечаги кунимиз. Лекин, очиғини айтадиган бўлсак, унинг оқибатлари ҳозир ҳам сезилиб турибди. Биз бу масалаларни унута олмаймиз. Халқ буни ҳеч қачон унутмаслигига ишончим комил. Ўн йиллар ўтади, лекин халқ буни ҳеч қачон эсдан чиқармайди ва кечирмайди.

Агар олий даражадаги адолат бўлса, бу одамларнинг ҳаммаси шу ерда, Ўзбекистонда виждон суди олдида жавоб беришлари керак. Ушбу тўданинг ташкилотчиси ва илҳомчиси сифатида Лигачев ҳам жавоб бериши зарур. Ғайриқонуний қатағонларга қаршилик кўрсатиши учун иродаси ҳам, мардлиги ҳам етишмаган беқарор раҳбарлар ҳам виждон суди олдида жавобгардирлар.

Мен шу кунга қадар ҳам жаҳонгирлик руҳияти бартараф этилмаганини қатъий айтаман. Иттифоқ шартномаси устида олиб борилган иш чоғида суғурта жамғармасини тузиш тўғрисида муттасил баҳс бўлмоқда. Бу суғурта жамғармаси ҳаммани ва, энг аввало Ўрта Осиёдаги барча республикаларни теппа-тенг бошланғич шарт-шароитга қўйиш учун керакдир. Ҳозир ҳам бу масала ҳал этилгани йўқ.

Ахир, мусбатли бюджети бўлган республикалар ҳам бирон нарсада ён босмоқчи эмас. Улар ҳали ҳам чўкаётганлар ўзларини ўзлари қутқаришлари керак, деган ақидани такрорлашда давом этмоқдалар. Яъни, бир қандоқ қашшоқ кун кечирган бўлсак, шундай аҳволда қолаверишимиз керак.

Беш республика раҳбарлари билан учрашувимиз, энг аввало, ўз олдига қандай мақсадни қўйган эди? Чунки, олти йил мобайнида ҳеч нарса қилинмади ва биз халқларимиз йўлиққан бундай аҳволга ортиқча тоқат қила олмаймиз. Биз ўз куч-ғайратимизни бирлаштиришимиз керак, шундай қилишга мажбурмиз. Курашсиз, аниқ ва равшан, мустақил сиёсатсиз ҳеч нарсага эриша олмаслигимизни такрорламоқчиман.

Вазият жуда тез ўзгармоқда. Сиёсий турмуш марказининг «марказдан» Россияга амалда ўтганидан сўнг, Украина ўз мустақиллигини эълон қилганидан сўнг, Болтиқбўйи республикаларининг давлат мустақиллигини тан олиш сари сезиларли силжиш бўлганидан сўнг биз республика суверенитети тўғрисидаги декларация принципларини ривожлантиришда янги қадамлар қўймасдан тура олмаймиз. Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги билан республика Давлат хавфсизлиги комитетини Ўзбекистон ихтиёрига ўтказиш, СССР Ички ишлар вазирлигининг республикада жойлашган қўшинларини Президентга бўйсундириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини, Ички ишлар вазирлиги қўшинларини ва Туркистон ҳарбий округининг Ўзбекистонда жойлашган қисмларини ва муассасаларини партия тасарруфидан чиқариш тўғрисидаги Президент Фармони ана шу тадбирларнинг дастлабкиси бўлди. Мазкур Фармонга мувофиқ Олий Кенгаш Раёсатига Ўзбекистон мустақиллиги тўғрисидаги Қонун лойиҳасини қисқа муддат ичида ишлаб чиқиш ва яқин орада бўладиган сессияга киритиш таклиф этилди.

Бу жуда зарур тадбирлардир. Бу тадбирлар тўғри тушунилишига умид қиламиз. Бу тадбирлар одамларни уларнинг миллий мансублигига қараб бирон-бир камситилишига ҳеч қандай йўл қўймаслиги хусусида Президент сифатида сизларни яна бир марта ишонтиришни ўз бурчим деб ҳисоблайман. Республикада яшаётган барча миллатлар ва элатлар вакилларининг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳақиқий тенг ҳуқуқийлигини таъминлаш, улар она тилида ўқишлари ва муомала қилишлари учун тенг имконият яратиш, миллий маданий анъаналарни сақлаш ва ривожлантириш учун ҳамма ишлар қилинади. Бизнинг сиёсатимиз фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлик сиёсати бўлган ва шундай бўлиб қолади.

Буларнинг ҳаммасини сизнинг эътиборингизга ҳавола қилинаётган масалаларни муҳокама қилиш чоғида ҳисобга олишингизни сўрайман.

**Биринчи.** Биз Марказий Комитет Бюроси билан Марказий назорат комиссияси Раёсатининг Баёнотида давлат тўнтаришига жинояткорона уринишга ўз баҳоимизни қатъиян баён этганмиз. Фавқулодда ҳолат давлат комитети деб аталмиш комитет пайдо бўлган дастлабки соатларданоқ биз ўз сиёсатимизга асосландик ва кимларнингдир қандайдир кўрсатмаларига амал қилишга эҳтиёж сезмадик. Буларнинг ҳаммаси қабул қилинган қарорлар, Ҳиндистондан қайтиб келгач, икки соат ўтгандан кейин Тошкент фаоллари билан учрашган дастлабки кунимдаёқ берган баёнотим билан тасдиқланади. Кейин ҳам биз бу ҳақда аниқ ва равшан айтдик.

Пленум биз тутган йўлни, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ва Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар раҳбарлари иштирокида 19-21 август кунлари юзага келган вазият юзасидан ўтказилган қўшма мажлисининг Баёнотини қўллаб-қувватлашига ишонамиз.

Биз Пленум номидан бу вазиятда гангиб қолмаган кишиларга, сабр-тоқат, оқиллик, вазминлик кўрсатган ва турли иғволарга учмаган кишиларга, бу эса халқимизнинг кўпчилигини ташкил этади, миннатдорчилик билдиришимиз ва раҳматлар айтишимиз керак.

**Иккинчи.** Бир хил фикрлайдиган ва ақидапарастларнинг бу йўлини қувватлайдиган КПСС Марказий Комитети раҳбарларининг ҳам ўтмишдаги, ҳам ҳозирги вақтдаги барча ёвузликларининг, барча бузғунчиликларининг, барча жинояткорона хатти-ҳаракатларининг баҳридан тўла ўтишимиз керак. Ўзбекистон ҳамма вақт ўзига хос маданиятга, ҳамма вақт фикрловчи кишиларга эга бўлганини, энг оғир вазиятларда ҳамма вақт халқимизнинг донолигига, ақл-заковатига, саҳийлигига таянган ҳолда керакли ва тўғри қарорлар топа олганини бутун дунёга айтиш керак.

**Учинчи.** Биз Пленумимизда Ўзбекистон Компартияси КПСС Марказий Комитети билан ҳар қандай алоқаларни тўла тўхтатаётганини, КПССнинг барча тузилмаларидан чиқиб, унинг марказий органларидан ўз вакилларини чақириб олаётганини айтишимиз ва буни республика коммунистларининг навбатдан ташқари съездида тасдиқлатиб олишимиз керак. Биз ўз партия аъзоларини ўз қўлига тўла олаётган мустақил сиёсий ташкилот сифатида ташкил топганимизни бутун масъулият билан айтамиз.

**Тўртинчи.** Мен партиямизнинг навбатдан ташқари XXIII съездига тайёргарлик кўриш учун Марказий Комитет мухтор комиссияси тузилиши тўғрисидаги таклифни сизнинг муҳокамангизга қўяман.

Биз бугунги кунда КПССда вужудга келган вазият тоталитар давлатнинг мафкуравий асосини ташкил этган бутун бир ақидалар тизими ҳамда турли хилдаги «измлар»нинг барбод бўлганини билдиришини ва улар тоталитар тузумлар билан биргаликда тарих бўлиб колиши кераклигини англаб етмоғимиз лозим. КПССнинг жамиятда рўй бераётган жараёнлардан шу қадар орқада қолиши, аллақачон стилган ислоҳ қилиш жараёнининг консерватив кучлар томонидан тўхтатиб қўйилиши унинг амалда парчаланиб кетишига олиб келди.

Бундан тўғри сабоқ чиқариб олиш керак. Мафкурамизни, дастурий мақсадларимизни, партия тузилмаларини, унинг жамиятдаги фаолияти шакллари ва услубларини тубдан қайта кўриб чиқиш, Дастуримиз ҳамда Уставимизга тегишли ўзгартишлар киритиш, биз съездда қабул қиладиган дастурий ҳужжатларга мувофиқ партия номини ўзгартиш тўғрисидаги масалани қўйишимиз зарур. Агар буни қилмасак, КПССга ўхшаб бир чеккага чиқиб қоламиз.

Пленумимиздан ўнг бугун биз қабул қиладиган қарорларга мувофиқ ана шу ва бошқа масалалар бўйича барча коммунистлар, республика халқи билан яхшилаб маслаҳатлашиб олсак тўғри бўлади, деб ўйлайман.

Биз бир ёқадан бош чиқарган ҳолдагина тўғри сиёсий йўлни ишлаб чиқа олишимизга аминмиз. Бугунги кунда коммунистлар саросимага тушмай, иғволарга учмай партиямизни демократик йўл билан чуқур ислоҳ этиш учун барча ишларни қилишлари керак, деб ҳисоблаймиз. Бизда меҳнаткашлар ва бутун аҳолининг кенг ҳамда мустаҳкам қўллаб-қувватлашига таянниб, олижаноб мақсадларимизга эришиш йўлини — инсон ҳуқуқлари, ижтимоий адолатни таъминлаш, республикамизда истиқомат қилаётган барча миллатлар ва элатларнинг яшаши учун муносиб шарт-шароит яратиш, уларнинг маънавийлик, инсонпарварлик асосида ахлоқий жиҳатдан янгиланишини таъминлаш йўлини бундан кейин ҳам изчил давом эттириш борасида барча зарур шарт-шароитлар мавжуд.

● ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИ ВА МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ БАЁНОТИНИ МАЪҚУЛЛАБ

# ОМАД ТИЛАЙМИЗ

Биз, мажлис қатнашчилари, Ўзбекистон сувчиларининг ярим миллион кишилик оиласи соҳамиздаги барча ташкилотлар номидан Ватанимиз, кўп миллатли Ўзбекистон тақдирини қадрлайдиган барча ҳалол кишиларга мурожаат қилиб, қуйидагиларни билдирамиз:

Бугунги кунда ўзини ҳалол ва виждонли, республикамизнинг фуқароси ва фарзанди деб ҳисоблаган ҳар бир кишининг мамлакатда қандай вазият вужудга келганлигини, мамлакатимизнинг кўпгина минтақалари ва районлари иқтисодий, сиёсий, ўзаро ва миллатлараро ларзаларга дуч келаётганини кўрмасликка ҳаққи йўқ. Бу ерларда одамлар раҳбарлардан қатъийликни ва бугунги кунга ишончни кутмоқдалар. Буларнинг ҳаммасини республикамиздаги турмуш билан тенглаштириб бўлмайди.

Республикамизнинг минглаб фуқаролари ишлаб чиқариш, амалий ва бошқа масалалар билан мамлакатимизнинг турли минтақаларига боришади ва бундан кам бўлмаган одамлар худди шу масалалар юзасидан Ўзбекистонга келишади. Уларнинг барчаси республикамиздаги осойишталик, фуқароларнинг эртаги кунга ишонч билан қараши, турмуш ва ҳаётдаги амалий, нормал иш мароми ҳақида самимий ҳурмат билан фикр билдиришади.

Бизнинг юз минглаб оталаримиз ва оналаримиз бугунги кунда Ўзбекистондаги осойишталик ва тинчлик учун миннатдорчилик билдириб, дуо қилмоқдалар.

Ўзбекистондаги бундай барқарорликка нималар эвазига, ниҳоятда катта куч-ғайрат сарфлаш ва тадбирлар қабул қилиш, ниҳоятда мураккаб, қийин, ўнлаб йиллар давомида ҳал этилмай келинган муаммоларни ечиш, бениҳоя зўриқиш ва ҳам сўлдан, ҳам ўнгдан бўлаётган ҳуружларга дош бериш орқали эришилаётганини фақат бу ишга раҳбарлик қилаётган кишигина билади. Буни эса ҳамма билиши керак.

Шу муносабат билан сувчиларнинг кўп минг кишилик оиласи Ватанимиз учун мураккаб бўлган ҳозирги пайтда шуни айтишни ўз бурчи деб ҳисоблайди:

Ҳурматли Президент Ислом Абдуғаниевич Каримов! Ўзбекистон сувчилари сизнинг республика раҳбари сифатидаги фаолиятингиз даврида республикамизда барқарорлик ва осойишталикни таъминлаш учун амалга оширилган барча тадбирлар ва ҳаракатларни қўллаб-қувватлайдилар. Сизнинг фидокорлигингиз ва ўз халқингизга, жонажон Ўзбекистонга садоқатингиз, ҳар бир фуқаро ва биринчи навбатда болалар, ногиронлар, пенсионерлар, ўқитувчилар ва диёримизнинг асосий меҳнатчиси — деҳқонлар манфаатларини ҳимоя қилишдаги ҳормай-толмай курашганингиз учун самимий миннатдорчилик билдирадилар.

Сизга инсоний раҳмат айтиб, сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаймиз. Ўзбекистон барча сувчиларининг қатъий сўзи ана шундай.

Кўнглингиз тўқ бўлсин, сизнинг юзингизни ерга қаратмаймиз. Лекин бир илтимосимиз бор — ишни худди шундай давом эттираверингиз ва ўнлаб вайсақи, бадҳоҳ кишиларнинг валдиришларига эътибор берманг.

Ўзбекистон тақдири ва унинг 21 миллион кишилик аҳолиси осойишталиги ана шундай қилишга муносиб эканлигига ишончимиз комил.

**РЕСПУБЛИКА СУВ ХЎЖАЛИГИ ТАШКИЛОТЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ИҒИЛИШИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.**

# ФАХРИЙЛАР ҚЎЛЛАБ—ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР

Уруш, меҳнат ва Қуролли Кучлар фахрийлари республика Кенгаши раҳбарияти Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси билан Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссияси раёсатининг давлат тўнтариши қилишга ва қонуний тарзда сайланган СССР Президенти М. С. Горбачевни зўравонлик билан олиб ташлашга ҳамда Марказий Комитет Бош котибини КПССдан ажратиб қўйишга уринган СССРдаги фавқулодда ҳолат давлат комитети, деб номланган комитетнинг ғайриконституциявий ҳаракатларига нисбатан КПСС Марказий Комитети раҳбарияти, унинг Сиёсий бюроси ҳамда Котибияти ортодоксал қисмининг тутган қўрқоқ ва принципсизлик позицияси қатъий қораланган Баёнотини бутунлай ва тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди.

Фитначиларнинг бу жинояткорона ҳаракатлари партиянинг, шу жумладан, юз минглаб коммунистлар ва партия фахрийларининг шаъни ва қадр-қимматини зарба остига қўйди.

Уруш, меҳнат ва Қуролли Кучлар фахрийлари республика Кенгашининг раҳбарияти шуни чуқур мамнунлик билан изҳор этадики, ана шу ғоят ташвишли вазиятда Ўзбекистон коммунистлари, уларнинг жанговар штаби — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети сиёсий авантюрачиларнинг иғволарига учмадилар ҳамда республикада барқарор вазиятни таъминлаш учун қўлларидан келган ҳамма ишни қилдилар. Бу вазиятда барча меҳнаткашлар, шу жумладан, уруш, меҳнат ва Қуролли Кучлар фахрийлари бунёдкорлик меҳнати ва тинч турмуш учун барча имкониятларга эгадирлар.

Биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримовнинг бундан кейин КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг ҳозирги таркибида қололмаслиги тўғрисидаги қарорини қўллаб-қувватлаймиз ва Ўзбекистон Компартиясининг бундан кейин Ўзбекистон ССР адлия органларида қонуний тарзда рўйхатга олинган ўз Дастури ва Уставига мувофиқ ҳаракат қилиш ниятини маъқуллаймиз.

**Раҳбарият номидан Уруш, меҳнат ва Қуролли Кучлар фахрийлари республика Кенгашининг ранси**

**Р. ҒУЛОМОВ.**

*СССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси*

# М. С. ГОРБАЧЕВнинг якунловчи нутқи

Менинг хулосам қисқа бўлади, чунки, назаримда, ахборотдан кейин шу минбардан айтилган сўзлар ҳамма нарсани яна бир карра ўйлаб кўришимизни ва Съездга таг-заминли таклифлар тайёрлашимизни шарт қилиб қўяди, резолюцияда ҳам Съезд қабул қилиши лозим бўлган асосий масалаларни белгилаб қўйиш керак.

Қисқа якунловчи нутқимда сизнинг мунозарангизга, дейлик, бизнинг мунозарамизга таяниб, бир қанча масалаларни таъкидлаб ўтмоқчиман ва саволларга жавоб бермоқчиман.

Аммо шуни айтишим керакки, саволлар шу қадар кўпки, уларни учта-тўртта-бешта мавзу бўйича, энг ўткир масалалар бўйича гуруҳларга бўлишга тўғри келди. Акс ҳолда жавоблар такрор бўлур эди, мана, саволлар солинган папка турибди, бу ерда такрор саволлар кўп. Мабодо, сиз талаб қилсангиз мен ҳар бир саволга алоҳида алоҳида жавоб беришим мумкин. Бу ўринда ҳамма нарса аниқ-равшан бўлиши керак, мен баъзи саволларга жавоб беришдан бош тортаяпман, деган хаёлга бормаслигингиз керак.

Демак, биринчидан, Бўлиб ўтган мунозара асосида шу хулосага келдимки, агар Олий Кенгаш 19 август куни йиғилганида, исён бошланишидаёқ тўхтатилган бўлур эди.

Хулоса шуки, аввало, ё Олий Кенгашининг қарорида ёки Съезддаги муҳокама асосида биз бўлган воқеаниг қайтарилишини истисно этадиган конституциявий воситани ишлаб чиқишимиз шарт.

Олий Кенгашга нечоғли бообрў раҳбарлар раҳбарлик қилишмасин, мамлакат учун қалтис, тақдирга даҳлдор вазиятларда, қонунчилик, ҳуқуқ-тартибот, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга шай бўлиб турадиган олий давлат органи бўлган Олий Кенгашнинг дархол, сусткашлик қилмай ҳаракатга келишини таъминлайдиган восита бўлиши лозим. Яна бир масала — Иттифоқнинг тақдири тўғрисидаги масаладир. Тўнтаришнинг, эҳтимол, энг фожиали оқибати шунда бўлдики, мазкур уч кун мамлакатдаги марказдан қочирма жараёнларга қудратли туртки берди. Иттифоқ давлатининг пароканда бўлиб кетишига ҳақиқатан ҳам хавф пайдо бўлди. Мен бу ҳақда жуда катта ташвиш билан, куйиб-пишиб гапираяпман, зеро шундай бўлса, уни қилиш керак, буни қилиш керак, деган барча гаплар, жами режалар пучга чиқади, сафсатабозликка айланади. Мен бу масалани бош, асосий масала сифатида биринчи ўринга қўйяпман. Бу ерда, келинг энди, алоҳида яшаб кўрайлик, ажралиб кетайлик, кейин яна қўшилармиз қабилида кўпгина мулоҳазалар айтилди.

Ўртоқлар, бу хом хаёлдир. Биз ҳали ажралиб кетганимиз йўқ, давлат пароканда бўлгани йўқ, республикалар ўртасидаги алоқалар суғайди холос, мухолифлик бошланди, изга солинган муносабатлар бузилди, мамлакат қандай аҳволга тушиб қолганига бир назар ташланг! Бугун, яъни Съездгача биз қатъий позицияни эгаллашимиз керак, токи одамлар Олий Кенгаш Съездга нима билан бораётганини билишсин. Мен сизга, жами республикаларнинг раҳбарларига, мамлакатнинг барча фуқароларига мурожаат қилиб, Иттифоқ шартномасини имзолашдан воз кечиш нималарга олиб келиши хусусида яна бир карра обдон ўйлаб кўришга чақираман. Агар республикалар Иттифоқдан қатъият билан чиқиб кета бошласалар, агар эҳтиросларнинг тўғён урган бир вазиятда шу қадар шошма-шошарлик қилинса, минг йил давомида таркиб топган жуда катта давлатнинг тақдири билан боғланган ўта мураккаб масалалар бир-икки соат ичида ҳал қилинадиган бўлса, холимиз нима кечади? Неча ўн миллионлаб одамларнинг тақдири, фуқароларнинг ҳуқуқлари, чегаралар масаласи, бутун халқнинг меҳнати билан орттирилган жамоат бойлиги — молмулки қай аҳволга тушади? Буюк мамлакатимизнинг мудофаа куч-қудрати қандай аҳволга тушади?

Ҳар бир кищи ўз халқи олдидаги масъулият билан бирга инсоният олдидаги масъулиятни ҳам ўйласин. Иттифоқ тақдири тўғрисидаги масалани ҳал этаётганда, хато қилишга сира-сира ҳаққимиз йўқ.

Бугун эрталаб мен Ельцин, Акаев, Назарбоев, Яковлев ўртоқлар билан учрашдим. Биз бу ерда, пойтахтимиз теварагида, барча минтақаларда содир бўлаётган воқеаларнинг моҳияти ҳақида суҳбатлашдик. Сизга айтсам замонотинч. Ўртоқ Лисицкий ҳақ: бутун мамлакат нотинч бўлиб тур

## СССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси

# М. С. ГОРБАЧЕВнинг якунловчи нутқи

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

дия парламентга хавф таҳдид қилаётган вазиятларда ёки бошқа бир вазиятда зарур бўлади. Энди бу бошқа масаладир. Лекин принцип эътибори билан — Иттифоқ ягона, Қуролли Кучлар ягона бўлиши ҳамда таркиб топган, аммо ҳозир емирилаётган умумий иқтисодий макон бўлиши лозим. Агар бундай макон барбод бўлса, офат рўй беради. Шартноманинг келишиб олинган лойиҳасига дарҳол тегишли тузатишлар киритиш ва уни имзолашни бошлаш керак. Бу ерда икки хил мавзу тилга олинди: бу шартномани улоқтириб юборишимиз керак — энди биз бошқа мамлакатда, бошқа даврда яшаяпмиз. Ёки аксинча—лойиҳа келишиб олинган, биз уни имзолашга шай бўлиб турган эдик ва шундай қилишимиз керак.

Тўғри. Бу ерда ана шу икки фикр айтилди.

Назаримда, августнинг саноқли кунларида содир бўлган воқеаларни инкор этиб бўлмайди. Тузатишлар талаб этилади, мазкур тузатишлар биз орттирган фожиали тажрибани ҳам, содир бўлган воқеадан чиқарган сабоқларимизни ҳам қамраб олиши керак. Республикаларнинг шартномани маъқуллаётган биринчи раҳбарлари дарҳол шу ишга киришишлари зарур.

Биз пайсалга солмасдан, шу бугунданоқ 15 республика учун иқтисодий битимни ишлаб чиқиш билан шуғулланишимиз керак —кеча мен шу фикрни айтган эдим —лекин бу ишни дарҳол амалга ошириш керак. Маълумки, ўртоқ Силаев нима бўлса ҳам позицияларни вақтинча сақлаб туриши, интеграция жараёнларини сақлаб туриши лозим бўлган комитетга бошчилик қилмоқда. У республикаларнинг барча Президентлари ёки Олий Кенгашларининг Раислари билан музокаралар олиб бормоқда, барча республикаларнинг бообрў намояндаларига ана шу комитетга киришни таклиф этмоқда. Бу ҳамжиҳатликни йўлга қўйиш учун зарурдир. Шунинг учун яна такрор айтаман: мен Иттифоқ шартномаси лойиҳасига ўзгаришлар киритилиши тарафдориман, шундай қилишимиз шарт ўртоқлар. Биз нима содир бўлганига, қандай аҳволга тушиб қолганимизга яраша иш тутишимиз керак. Ҳеч нарса содир бўлмади, деб туравериш бу умуман сиёсат эмас. Орттирган тажрибамизни, қилган юмушларимизни улоқтириб юбориш, менинг назаримда, мумкин эмас, бу хато бўлур эди.

Шахсий мулоҳазамни айтадиган бўлсам, Иттифоқимиз муқаррар тарзда парокандa бўлиб кетадиган даражага етмаслик учун мен ўзимга боғлиқ барча ишларни қиламан. Мен биринчилар қатори, эҳтимол биринчи бўлиб, вазият шундайки, бизга суверен давлатлар иттифоқи зарур, деган кишиман. Ана шу ибора негиз бўлиши керак, тўғри бу ўринда энг янги тажрибани ҳам ҳисобга олиш лозим. Агар масала бошқача таҳлитда қўйиладиган бўлса, мен барча олдида, сизнинг рўпарангизда, халқ олдида, мамлакат олдида очиқ-ойдин бундай дейман: мен янгиланган Иттифоқ, чуқур ислоҳ этилган Иттифоқ тарафдориман, лекин мен Иттифоқни сақлаш тарафдориман, мен халқ референдум чоғида изҳор этган хоҳиш-иродасини амалга ошириш тарафдориман. Бошқа гап менга маъқул эмас.

Агар Иттифоқ сақланиб қолинмаса, ишлар бошқача кетса, мен кетаман. Бу ҳолда ким хоҳласа ўша масъулиятни зиммасига олаверсин. Агар биз ҳозир Иттифоқни барбод қилсак, бундан ҳеч вақо чиқмайди. Ишонтириб айтаманки, бошимизга кулфат тушади.

Ўзингиз қаранг, баъзи бировлар мендан бирон-бир нарсага гиж-гижлаяпти, деб шубҳаланибди. Бугун эса, азиз депутат Игитян, шу ердамисиз, кетибди. Унинг гапларига қараганда, гўё мен, халқларни бўлиб ташлаш, бир-бири билан уриштириб қўйиш, ҳокимлик қилиш учун қандайдир нутқлар сўзлаган эмишман ва ҳоказо. Игитян шу муносабат билан ҳам кетиб қолибди.

Мен қуйидагиларни айтишим керак: мамлакатимизда тил туфайли, маданият туфайли, биринчи қарашда катта масалалардек кўринмаса ҳам, лекин одамларнинг кўнглига яқин бўлган ана шундай масалалар туфайли бошланган жараёнларни идрок этар эканман, шуни англадимки, мабодо биз бундан ҳам жиддийроқ муаммоларга қўл урадиган бўлсак, ажралиш жараёни бошланади, шундай кучлар бош кўтарадики, биз улар билан беллаша олмаймиз. Худди шундан кейин мен бундай дедим: ажралиб кетишимиз мумкин эмас, биз ваколатларни тақсимлашимиз, бўлиб олишимиз, Иттифоқни чуқур ислоҳ этишимиз зарур. Келинг, республикаларнинг ўзига зарур бўлган марказни бунёд этайлик ва республикаларга зарур бўлган ҳуқуқларни берайлик, бу ҳақиқатан ҳам янги, реал Иттифоқ бўлади. Аммо ўртоқлар, бу ишни биргаликда қилайлик, биз биргаликда тангликдан чиқа оламиз, биз биргаликда уни бартараф эта оламиз ва қаддимизни ростлай оламиз. Бизда ҳамма нарса бор, бунинг устига барча кишилар ўша кулфатдан кейин содир бўлган фожиани англаб етмоқдалар. Аммо улар яна шуни ҳам тушуниб турибдиларки, йўлимиздаги барча тўсиқлар олиб ташланди ва энди биз бутун салоҳиятимизни ишга солиб, ўзгаришлар йўлидан тез ҳаракат қила оламиз. Ана шундай вазиятда мен шу ҳақда ва фақат шу ҳақда гапиришни истайман. Бор гап шу.

Илгари биз кўп нарсаларга эътибор қилмасдик, бир минтақани дам у республикага, дам бу республикага бериб юбораверар эдик. Катта-катта майдонларни ҳам бериб юбораверар эдик, чунки буларнинг ҳаммаси битта давлатда эди-да. Ҳамма нарса ягона манфаатга хизмат қилар эди. Бу масалалар бизни унча безовта қилмасди, баъзан айрим ҳудудларда пайдо бўлиб қолганда ҳам, кўпинча рисолаги ҳолат деб ҳисобланмас эди, ахир биз ҳаммамиз бирга эдик-да. Аммо ҳозир республикаларнинг Иттифоқдан чиқиши тўғрисидаги масала кўндаланг бўлганида баъзида ошкора баёнотлар ҳам қалқиб чиқмоқда.

Иқтисодий битимда қатнашишга розилик берган, аммо шартномага имзо чекишни истамаётган, яъни аслида иттифоқдан ажралиб чиқмоқчи бўлган республикалар хусусида гапирадиган бўлсак, бу уларнинг конституциявий ҳуқуқидир. Бундай ажралиб чиқиш содир бўлиши лозим, бу конституциявий жараёндир ва биз ҳеч кимга рад жавоби бера олмаймиз, халқ ўзи ҳал этиб шундай позицияни эгаллаган бўлса ҳеч ким рад эта олмайди. Лекин ҳамма нарса конституция доирасида рўёбга чиқаверсин.

Ўзаро муносабатлар қандай йўлга қўйилади? Бундай муносабатлар битимлар, шартномалар негизида йўлга қўйиладики, улар мудофаа, иқтисодий масалалар, айниқса фуқароларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги масалани ва бошқа масалаларни ўз ичига олади. Битимларнинг бутун бир мажмуи бўлиши керак. Эҳтимол, ҳудудий масалалар ҳам вужудга келиши мумкин. Биз бу ерда худди ана шу хусусда баҳслашмоқдамиз. Мен ҳозир бу масалада орани очиқ қилиб қўймоқчи эдим. Чунки Иттифоқ шартномаси лойиҳасида «чегараларнинг дахлсизлиги» деган ибора бор. Ушбу масала кейинги учтўрт ой мобайнида барча мажлисларда ўртага қўйилди ва барча очиқ-ойдин қилиб, Иттифоқ шартномасида чегараларнинг дахлсизлигини қайд этиб қўйиш керак, деб бир овоздан айтди. Ҳамонки, ягона Иттифоқда эканмиз бу табиийдир, аслида биз чегараларимиз қай ердан ўтишини билмаймиз-ку. Бизда чегараларнинг 70 фоизини қишлоқ, район, шаҳар Советлари белгилаган эди.

Шу муносабат билан россияликлар хавотир бўлиб туришгани тушунарлидир, ўртоқлар. Бундай хавотирлик фитначилар устидан қозонилган ғалабани тезроқ мустаҳкамлаш негизида пайдо бўлмоқда, буларнинг ҳаммасини тушуниб етиш керак ва ҳар кимдан шубҳа қилавериш ярамайди. Украина Олий Кенгашида содир бўлган воқеани украинлар Иттифоқ шартномасини ва Иттифоқни рад этишганининг далили деб қарамайман. Биринчидан, Украинада бўлган референдум шу республика халқи Иттифоқ тарафдори эканлигини кўрсатди. Назаримда, ҳеч ким, шу жумладан Украина Олий Кенгаши ҳам халқнинг ана шу фикрини рад эта олмайди.

Ҳойнаҳой, Украинада содир бўлган воқеа тўнтаришга бўлган уриниш муносабати билан пайдо бўлган ўткир вазиятга жавоб бўлди.

Табиийки, Иттифоқдан чиқиладиган бўлса, бу ҳолда кўриб чиқилиши лозим бўлган ҳуқуқий, гуманитар, ҳудудий, ҳарбий, иқтисодий ва бошқа бир қанча масалалар мажмуи пайдо бўлади. Мен бунга шу таҳлитда ёндашаман.

Бу ерда содир бўлган мунозара ёки бошқача айтганимизда ўткир мулоқотга келганда у томон ҳам, бу томон ҳам шошқалоқлик қилди, қизишиб кетди ва балки пухта ўйламасдан гапиргандир. Ҳозир, фитначилар мағлубиятга учрагандан кейин, россияликлар устун бўлишни ўйлаб қолишди, Россия раҳбарияти мамлакат Президентини четлаштириб қўйди, республикалар билан ҳисоблашмаяпти, Россия салтанатининг концепцияси амалга оширила бошланди, деган гаплар юрибди.

Ўртоқлар! Россияликларда ҳам, Ельцинда ҳам, Россия раҳбариятида ҳам бундай ният йўқ. Биз яқин алоқа қилиб турибмиз, муҳим масалаларни ҳал этишни келишиб оляпмиз. Ҳозир қилинаётган кўп ишларни вазият тақозо этди.

Лўнда қилиб айтганда, бу ерда бўлиб ўтган ўткир баҳслашув ҳам ва республикалардан сизларга етиб келаётган ва ташвиш туғдираётган ахборот ҳам энди «бўларича бўлди», бундан буён биз ҳамма нарсани бузиб, вайрон қилаверамиз деган кайфиятни вужудга келтирмаслигини сиздан жуда илтимос қилардим. Назаримда, бу ерда бўлиб ўтган мунозара яна бир карра қуйидагиларни кўрсатди: янгиланган ва ислоҳ қилинган Иттифоқимизда республикалар янги иттифоқ органлари бўлишини истайдилар, бу органларни уларнинг ўзлари тузадилар ва ушбу органларда ўзларига берилган ваколатларга кўра иштирок этадилар. Буни мен яхши тушуниб турибман. Бу мамлакатимизнинг чексиз ҳудудларида кечаётган миллий уйғониш жараёнига мос келади. Аммо келинг, масъулиятли бўлайлик. Шу доирадан чиқиб кетмайлик, эҳтиросларни авж олишига йўл қўймайлик.

Муҳокама натижасида Олий Кенгаш аниқ-равшан позицияни эгаллаши керак. Иттифоқ, уни асраб қолишга қарор қилган ва Иттифоқ шартномасини имзолашга аҳд қилган республикалар халқларининг манфаатлари йўлида сақлаб қолиниши ва янгиланиши учун ҳамма ишни обдон ўйлаб юритайлик. Иттифоққа кирмайдиган ёки конфедератив, уюшма йўли билан ёки иқтисодий битим, мудофаага доир битимлар ва бошқа битимлар асосида иш кўрмоқчи бўлган республикалар билан ана шу масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш керак.

Назаримда ана шу масалалар жам бўлган концепцияни съездга тақдим этиш зарур. Съездга ана шу ёндашувларни маъқуллашни таклиф этиш лозим ва биз келишган ҳолда ҳаракат қилаверамиз.

Россияликлар ўз обрўлари, улар кўз ўнгида очилган имкониятлар, содир бўлган жипслашишдан фойдаланиб, бирлаштирувчи ролни ўйнайдилар, деб ишонаман. Рус халқидан шубҳа қилмаслик керак. Бундай бўлмайди, деб умид қиламан. Руслар иззат-ҳурматни ўрнига қўйишган ва бундан кейин ҳам шундай бўлади. Ўткинчи нарсалар кўп йиллик, бир асрлик тарих бизга ўргатган нарсаларни тўсиб қўймаслиги керак.

Кўпчилик, деярли барча нотиқлар, тўнтариш мамлакатни бошқаришни яна ҳам заифлаштирди, республикалар ва минтақалар ўртасидаги шусиз ҳам бузилган ҳамжиҳатликни барбод этди, деб ташвиш билан гапирдилар. Ўртоқ Бурих тўғри гапирди. Агар биз бу жараённинг зўрайишига, жами алоқаларнинг бузилишига ва бошқариб бўлмай қолишликка йўл қўйсак, (ҳозир марказда ҳам, республикалар ва жойларда ҳам давлат тузилмаларининг барча даражаларида шундай аҳвол содир бўлмоқда), бу ҳолда вазият жуда мураккаблашиб кетиши мумкин...

...Шу боисдан ҳам навбатдаги, иккинчи вазифа, иккинчи мақсад қуйидагичадир ва биз буни ўз қаторимизда акс эттиришимиз керак: бошқарувни сақлаш, шу йўлни аниқ-равшан ўтказиш, бошқарувни сақлаш ва уни мустаҳкамлаш тарафдори эканлигимизни рўёрост айтишимиз керак. Ҳозир биз вазият тақозо этган масалаларни, яъни ҳукумат тўғрисидаги, Олий Кенгаш ҳақидаги, Олий Кенгаш раҳбарияти ҳақидаги ва шу каби масалаларни ҳал этишимиз керак. Ҳал этиш лозим бўлган барча масалаларни ечайлик. Лекин бузмайлик. Биз ишонган ва мамлакат аҳли танийдиган, улар кетидан эргашадиган, уларга ишонадиган кишиларни бамаслаҳат зарур лавозимларга қўйайлик, янгилайлик. Аммо ҳозир Олий Кенгашни тарқатиб юбориш, халқ депутатлари съездини тарқатиб юбориш, бу тузилмаларни йўқ қилиб юбориш... Бу гапларни турмуш қийинчиликлари эзиб қўйган, қизиққон кишилар бирон-бир митингда айтиши мумкиндир ва улар жавобгар ким деб сўрасалар ҳақ бўладилар. Аммо мамлакат тақдири учун жавобгар бўлган сиз билан биз бундай йўлни тута олмаймиз. Сиёсий кучларни қайта гуруҳлаш, муайян ўтиш даври учун янгилаш керак, яқин ойларда эса биз янги Иттифоқ шартномаси асосида қонуний тарзда янги тузилмаларни сайлаймиз ва тузамиз. Ўртоқлар хавфсизлик кенгашини ислоҳ қилиш йўли билан кучларни бирлаштириш учун асосий сиёсий жавобгарликни ўз зиммасига оладиган ҳамда ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, дарҳол ҳал этиш зарур бўлган муаммоларни ишлаб чиқиш ва ҳал этишни рағбатлантирадиган органга айлантириш тўғрисидаги фикрни қўллаб-қувватладилар.

Ўртоқ Владиславлев хавфсизлик кенгаши билан ёнма-ён бир қанча масалаларни ўз зиммасига олган айрим тузилмалар ҳаракат қилиши лозимлигини таклиф этди. Бундан ҳозир ишга киришган ва ишлайоладиган тузилма билан ёнма-ён яна бир тузилма бунёд этамиз, деган маъно келиб чиқмайди. Бизга тўқнашиш, ишни издан чиқариш сира керак эмас. Аммо зарур бўлган жойларда хавфсизлик кенгаши, олий кенгаш билан ёнма-ён, уларнинг назорати остида шундай янги тузилмаларни барпо этиш керакки, улар ўтиш даврининг амалий масалаларини ҳал этсин.

Съезд очилишига қадар хавфсизлик кенгаши тўғрисидаги масалани ҳал этиш олий кенгашнинг вазифасидир. Ҳозир мен шу хусусда музокаралар олиб боряпман. Бир—икки кун ичида бу масалани мен кўриб чиқишга тақдим этаман.

Яна шу масала хусусида. Нега энди мен бошқарув муаммосини бу қадар ўткир қилиб қўйяпман ва депутат Бурих ўткир қилиб қўйган бу масалани қўллаб-қувватламоқдаман? Чунки бошқарув — бу ёнилғи, бошқарув—бу озиқ-овқат, бошқарув — бу одамларни иш билан таъминлашдир. Агар булар бўлмаса норозилик зарби бизга урилади. Ўшанда биз давлат тўнтариши қилишга жазм этган кишилар айтган вазиятга тушиб қоламиз.

Шу муносабат билан асосий сиёсий кучлар ўртасида иноқлик ҳам бўлиши керак. Барча демократлар бир-бирларига пешвоз чиқишлари лозим. Бу гапни мен, аввало ўзимга айтяпман. Сизлар ҳам шу масалани ўз олдингизга қўйинг. Ўйлайманки, ҳаммаларингиз менга ўхшаб жавоб берасизлар, — биз шу вақтгача хатлаб ўтолмаган баъзи нарсалардан хатлаб ўтиш керак.

Яна бир гап. Биз ҳаммамиз конституциявий тузумга қасд қилган кишилар қонунга мувофиқ жазо олишининг қатъий тарафдоримиз. Аммо қатағон бир ёқда турсин, ҳатто сиёсий ишончсизликни ҳам кенгроқ доираларга ёйиш йўлидаги уринишлар ҳаддан ташқари хатарлидир. Шу тариқа фуқаролар ўртасига янги тўсиқлар қўйилиши ва жамият тўқнашувлар гирдобига тортилиши мумкин.

Дафъатан шундай жараён бошланиб кетгудек бўлса, биз фуқаролар можароси ёқасига бориб қоламиз. Фитначилар ва бевосита ижрочилар, шу тўнтаришга жазм қилганлар бир гап-у, одамлар бошқа гап, улар билан гаплашиш, ҳулосалар чиқариш лозим... Бироқ одамларни маънавий изтиробга солиш ярамайди.

Башарти, ҳозир сиёсий ўч олиш йўлига ўтиш муддаоси устунлик қилгудек бўлса, бу нарса охир-оқибатда демократ кучларнинг мағлубиятини билдирган бўлур эди. Бунда исёнчиларнинг ниятлари амалга ошган бўлур эди, деган гап бу ерда ҳақли равишда таъкидлаб ўтилди. Агар биз Иттифоқ шартномасини имзоламасак, шундай бўлади. Агар фуқаролар тинчлиги ўрнига биз ялпи адоват бошланишига йўл қўйсак, шундай бўлади. Агар одамлар ўз эътиқодлари учун таъқиб қилинадиган, ишдан ҳайдаб юбориладиган, жамиятнинг мададсиз ва ҳимоясисиз қоладиган бўлса, шундай бўлади. Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот зарур. Шундагина биз жиловни ушлаб қоламиз. Ҳуқуқшунос депутатларнинг ташаббуси билан Олий Кенгаш тергов, суд аниқлаши лозим бўлган нарсаларни сиёсий баҳо, ташкилий хулосалардан аниқ фарқлаб қўйганидан мен жуда мамнунман. Бу — сиз билан бизнинг ишимиз. Шу тартибга қатъий риоя қилиш лозим. Мана шу умумий жараёнда қатнашадиган парламент комиссиясини тузиш тўғрисидаги таклифни ҳам қўллаб-қувватлайман.

Энди саволларга жавоблар. Бурих, Лисицкий, Шамихин ва бошқалар конфедерация ғоясининг амалга оширилиши миллий адоват авж олишига, национал-большевизм ривожланишига олиб бормайдими, деб хавфсирамоқдалар. Украина Олий Кенгашининг Украина мустақиллиги тўғрисидаги қарори муносабати билан Иттифоқ шартномасини имзолаш ҳақида ташвиш билдирилмоқда. Миллатлараро можароларга тааллуқли бошқа масалалар бор. Мен бу саволга жавоб қайтардим, ўз нуқтаи назаримни баён этиб бердим. Иккинчиси. Парламентнинг мўътабар ваколатли комиссияларини тузиш тўғрисидаги масала тўғри қўйилмоқда, деб ҳисоблайман. Бу комиссиялар ҳар бир миллатлараро можародаги аниқ вазиятни кўриб чиқишлари, натижаларни маълум қилишлари ва халқ депутатлари Съездига таклифлар киритишлари зарур, деб ҳисоблайман. Агар ишни давом эттириш лозим бўлса, давом эттириш ва Олий Кенгашга маълум қилиш лозим.

Депутатлардан Полуэктова, Сулакшин, Журавель, Маркевич, Кирилов, Соколов, Подзирук, Алексеев, Немцовларнинг хатларида давлат тўнтаришини тайёрлаш ва амалга оширишда турли давлат тузилмаларининг ўрни ва хулқ-атворига баҳо берилган. Ҳукуматни, Давлат хавфсизлиги, Ички ишлар вазирлиги идораларини қайта қуриш тўғрисида, Олий Кенгаш ва Президент ҳузурида шу кунларда содир бўлган воқеалар такрорланишига имкон бўлмаслигини назорат қилувчи янги тузилмалар ва воситаларни барпо этиш ҳақида таклиф айтилмоқда. Бир қанча аниқ-равшан масалаларни ҳозирнинг ўзидаёқ ҳал қилаяпмиз. Амалда ҳозир Давлат хавфсизлиги комитетининг ҳайъати тарқатиб юборилмоқда. Ўртоқ Бакатин шу масалага оид фармонни кўриб чиқиш учун менга ҳавола этди. Давлат хавфсизлиги комитетининг қарамоғида турган барча қўшинларнинг бўлинмалари Мудофаа вазирлигига топширилди. Кеча мен шу ҳақдаги фармонни имзоладим. Бошқа бир қанча амалий масалалар ҳам ҳал этилди. Академик Рижовнинг фикрини қувватламоқчиман. У мамлакат хавфсизлиги концепцияси тўғрисидаги масалага зудлик билан қайтиш керак, деган фикрни айтди. Бу масала ушбу ишга бошланган ва охирига етказилмаган эди. Бу соҳадаги ишни давом эттирганликлари менга маълум. Съездгача биз бу хусусда муайян, принципиал қоидаларни баён қилиб бера оламиз.

Депутат Белозерцев Президентга ахборот бериш тизими тўғрисидаги муҳим масалани қўйди. Дарҳақиқат бу соҳада катта камчиликлар бор эди, чунки мен муайян тузилмаларнинг таҳлили ва фикрларига таяниб иш кўришга мажбур эдим, бинобарин, ҳар томонлама холисона ахборот келиб туришига кафолат берадиган тизим йўқ эди. Мен буни кўриб турибман. Ҳозир мен ахборот ва жамоатчилик фикри тадқиқот жамғармасини вужудга келтириш ҳақида фармон чиқардим. Ҳаммамизнинг мустақил ахборот олиб туришимизга имкон берадиган, айни вақтда уни Президентга ҳам, сизларга ҳам етказиб берадиган жуда жиддий қудратли тузилмани ташкил этишга депутатлар ёрдам беришади, деб ўйлайман. Назаримда, бу ўринда ҳали тизим ҳақида ўйлаб кўрмоқ керак.

Хатларда, жумладан, Охунов ва Ноздря ўртоқларнинг хатларида Иттифоқдаги ва республикалардаги баъзи олий давлат шахсларининг шахсий масъулияти тўғрисидаги, уларнинг тўнтаришга дахлдорлиги ёки уни маъқуллаганликлари ҳақидаги масала қўйилмоқда. Ўртоқлар уларнинг ўзлари айтган фактларга нисбатан менинг муносабат билдиришимни сўрамоқдалар. Мен принципиал ёндашув ҳақида гапирдим: ҳаммаси қонунга мувофиқ ҳал қилиниши керак. Кўнгилчанлик қилиб бўлмайди, бироқ бедодликка ҳам йўл қўйилмаслиги керак. Мен тўла яккаланиб қолганимдан кейин Қримдан қайтиб келгач, журналистлар билан суҳбатда сўзлаган нутқимда дастлабки ахборотга таянганимни, сўнгра эса ким қандай мавқеда турганини эшитганимни айтиб ўтишим керак. Агар мен мамлакат Президенти сифатида ҳозир ҳар кимга баҳо берадиган бўлсам, енгилтаклик қилган бўлур эдим, деб ўйлайман.

Принцип жиҳатдан эса мен бу оғир муаммога ёндашув ҳақидаги ўз фикримни айтдим.

Депутатлар, жумладан, Бойко, Ястребов, Карташев, Соколовлар берган саволларнинг анчагина қисми аниқ иқтисодий муаммоларга таллуқли. Ўртоқлар қайси идора истиқболин аниқлаш билан шуғулланадиган бўлади, нарх белгиланишини барқарорлаштиришга қандай қилиб таъсир ўтказиш, реал иш ҳақини қандай қилиб ошириш, қишлоқ хўжалиги ходимларига нисбатан адолатни қандай қилиб тиклаш ҳақида сўрамоқдалар. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг аниқ масалаларига доир таклифлар битилган хатлар ҳам бор. Агар биз бу масалаларни халқ депутатлари съездида муҳокама қилсак, тўғри бўлур эди, деб ўйлайман. Умумий тарздаги мулоҳазалар асосида мен аввалги ишимиз билан, ҳозирги вазиятни эътиборга олиш билан алоқадор бўлган ўзаро боғлиқ чора-тадбирлар мажмуини батафсилроқ тасвирлаб беришга ҳаракат қиламан.

Ўртоқларнинг катта бир гуруҳи — Шчелканов, Бадамян, Измоденов, Ярошинская, Омонова, Лученок хиёнаткорлик йўлига ўтган кишиларни мен қандай қилиб юқори лавозимларга тайинлаганим, менинг атрофимда ана шундай кишилар кўп бўлганини қандай изоҳлаш мумкинлиги ҳақидаги масала билан мурожаат қилмоқдалар. Депутатлардан бири «Ўз атрофингиздаги бундай кишиларни нечун танлаб олган эдингиз?» деб ёзиб юборибди. Очиғини айтсам, бу — мен учун энг оғир савол. Мен такрорлашим мумкин бўлган бирдан-бир гап қуйидагича: Бундай жуда қўпол хатоларга йўл қўймаслик учун сиз билан биз, ҳаммамиз маслаҳатлашиб, келишиб олишимиз керак, деб илгари айтган гапимни такрорлайман. Ҳамма идораларимизни тезроқ тузиб олайлик, уларга ўзимиз ҳам ишонайлик, халқ ҳам ишонадиган бўлсин.

Ниҳоят, Олий Кенгашнинг Раиси Лукьянов ҳақидаги аниқ масала. Мен кечки мажлис тугаганидан кейин чиққанимда йўлакда у менга учради. Шу кунларда биз у билан гаплашмаган эдик, менда энди у билан гаплашиш истаги ҳам йўқ. Чунки мен шахсан Лукьяновга ишонган эдим, у ишимизга ҳам, менга ҳам хиёнат қилмаслигига умид қилган эдим. Биз талабалик йилларидан буён 40 йил давомида ўзаро муносабатда бўлиб келганмиз. Қўрқдими, ўз жонини сақлаб қолмоқчи бўлдими? Аммо бундай лавозимларда бутунлай бошқа нарсалар ҳақида ва бошқача ўйлашимиз керак. Умуман, бу менга жуда ачиқ сабоқ бўлди. Чунки унинг Олий Кенгаш Раиси мавқеи — ноёб мавқе. Аммо бундан мен енгил тортмадим, сиз ҳам енгил тортмайсиз, мен учун оғир сабоқ бўлди, бу.

Депутат Сухов ўз хатида менинг олдимга бир неча саволлар қўйибди. Унинг хатида ҳам, кечаги мажлисда сизлар эшитган оғзаки нутқида ва оғзаки саволларида айтилган гумонсираш руҳи сезилиб турибди. Масалан, депутат нега фитначилар мағлубиятга учраганларидан кейин маслаҳат сўраб менинг олдимга югуриб борганликлари ҳақида менинг фикр билдиришимни талаб қилади. Шу вақт ичида сохта комитетга қарши чиққанлар орасидан мендан бошқа ҳеч ким қамоққа олинмаганлиги хусусида таажжуб билдиради. Бу қандайдир тушуниб бўлмайдиган гап.

Ўртоқлар, мен бу ҳақда гапирдим, аммо депутатларга ва бутун халқимиз олдида яна бир бор такрорламоқчиман: Президентга дўқ-пўписа қилиш, уни фавқулодда ҳолат тўғрисида фармон чиқаришга, ваколатларни топширишга, лавозимдан воз кечишга мажбур қилиш йўлидаги уринишлар муваффақиятсиз чиқди. Шундан кейин Президентни мия қон айланиши ишдан чиққан ночор ҳолатда ўринда ётибди, умуман нима ҳақда гап бораётганини фаҳмламаяпти, деб тасвирлашга қарор беришди. Икки врач менга маълумотнома келтирди, бу қоғоз уларда сақланиб қолдими ёки йўқми, билмайман. Улар ўзларидан нима талаб қилишганини ёзишган эди. Горбачев қамоққа олиниш хавфи остида турибди, уни касал деб, «диагнозини кучайтириб», сақлаб қолиш керак, дейилган эди. Буни ўн тўққизинчи август соат 16 гача, журналистлар билан бўлган машъум учрашувгача қилишни талаб қилганлар, эҳтимол у ерда шуни маълум қилмоқчи эдилар, 16 августда мияда қон айланиши бузилди, ҳолати оғир ва шу кабилар ёзилган эди. Афсус, улар буни эълон қилишмади. Ўн еттинчида мен Ельцин ва Назарбоев билан, 18 да Вольский, Шчербаков билан, етти киши билан гаплашган эдим. Дарвоқе, ўн саккизинчида эса воқеалардан икки соат олдин Янаев билан ҳам гаплашган эдим.

У мендан қачон келасиз, деб сўради ,мени қандай кутиб олишини айтди.

Хуллас, Президент юксакликда бўлмайди, ҳатто ўз жонини сақлаб қолишга ҳам киришди, деган турли-туман шаъмаларни қатъиян рад қиламан ва бундай саволларга энди жавоб бермайман. Бу — қандай бемазагарчилик!

Терговда ҳамма нарса маълум бўлади. Гўё Горбачевнинг алоқаси узилмаган эди, кутиб ўтириб, кейинроқ келиш учун пойлаб турди, деб тарқатилган овозаларнинг қадр-қиммати ҳам маълум бўлади. Гўё ҳеч ютқазилмаган бир иш қилинган эмиш, агар исён муваффақиятли чиқса, бунга имконият бериб қўйган Президент ютиб чиқар эмиш. Агар исён барбод бўлган тақдирда ҳам у ҳақ бўлиб чиқар эмиш. Мана шундай «миш-миш»лар ҳар томондан тарқатилиб, кўпиртирилмоқда. Бу билан менинг асабимни буза олмайдилар! Модомики, мана шу уч кун давомида улар қилган ҳамма ишлар мени йўлдан оздира олмаган экан, бундай ғаламисликлар менга асло таъсир қилмайди. 17 августдаёқ ҳукумат алоқаси бошлиғининг ўринбосари раҳбарлигида команда тузилган эди, бу команда Президентнинг алоқа узелини бузиш учун келган эди ва бутун узелни бузган эди. Шу жумладан ҳамиша алоқа боғлаб турган кишиларнинг ҳам алоқаси узилди. Чунки мана шу стратегик алоқа йўллари ҳам Давлат хавфсизлиги комитетининг муҳофазаси остида турар эди. Бу ташкилот ҳамма учун ҳимоя вазифасини бажарар эди. Унга ишонар эдик.

Содир бўлган воқеа муносабати билан бу соҳада ҳам хулосалар чиқарилмоқда. Депутат Сухов, ҳаммаларингиз менга саволлар бериб, мен халққа хиёнат қилаяпманми ёки йўқми эканини миридан сиригача аниқлаб олмоқчи бўлаяпсизлар. Мен ўз фикримни ҳеч қачон яширган эмасман. Ҳа, ўша фитначиларга ҳам мен тўғридан-тўғри шундай дедим: «Менга қаранглар, сизлар авантюрачисизлар, бу — авантюра. Мен уни рад қиламан. Сизлар ҳалок бўласизлар, аммо ўзингиз шу йўлни танлабсизлар. Бу сизнинг ишингиз. Аммо сизлар халқни абгор қиласизларку. Мен Олий Кенгашни, съездни чақириб, ҳамма нарсани ҳал этишни таклиф қиламан. Сизлар ҳозирги вазиятдан ташвишланаяпсизлар. Бу вазият ҳаммамизни ташвишлантираяпти. Сизлар ҳеч кечиктирмай шошилинч чоралар кўриш керак, деб ҳисоблаяпсизлар. Мен ҳам шу фикрдаман. Келинглар, тўпланиб, бирга ҳал қилайлик. Аммо қандай чораларни кўриш керак? Ҳамма гап шундаки, исён кўтариш йўли билан ҳеч нарсани ҳал қилиб бўлмайди». Варенников энг қўпол гапларни айтди. Мен ҳам бўш келмадим, уларни русчасига боплаб сўкдим **(қарсаклар)**.

Депутат Мартиросян реакцион генералларни бўшатиб юбориш масаласини қўяди, СССР мудофаа вазирининг барча ўринбосарларини, Қуролли Кучлар барча турлари ва йўналишлар бош қўмондонларини, армия округларини қўмондонларининг ва ҳарбий-сиёсий органлар бошлиқларининг 90 фоизини мана шундай реакцион генераллар жумласига қўшади.

Биринчидан, Мен ёппасига айблаш фикрларини ёқтирмайман. Ҳар бир алоҳида ҳолатда алоҳида суриштириб билиш ва фақат шундай қилиш керак. Бу ишда юристлар: ҳамма иш фақат қонунга мувофиқ, фақат суриштириб билиш йўли билан олий кенгаш томонидан қилиниши керак, деган масалани неча марталаб қўйишди. Ҳозирнинг ўзидаёқ равшан масалалар бор, кўп кишилар қўмондонлик лавозимларидан четлаштирилди. Ҳозир ҳаммаларини санаб ўтмайман.

Генерал Макашов ҳали ҳам Ельцин қамоққа олинмаганлиги хусусида норозилик билдириб, махфий хат юборгани менга маълум бўлганида, агар шундай бўлса изоҳ бериш учун уни чақиринглар дедим. Бугун ундан шундай изоҳ олинди ёки у ҳали ҳам ёзиб ўтирибди. Мудофаа вазири ҳузурида суҳбат бўлди. Суриштириш керак, таккор айтаман ҳар бир аниқ ҳолатда суриштириб билиш керак. Шунда сиз билан биз демократия нималигини кўрсатамиз. Буни адолат қонуни дейдилар. Шунда ҳар бир киши қонунга мувофиқ қилмишига яраша жазо олади.

Дарвоқе, биз генераллар ҳақида гапирганимизда, келинглар, генерал Шапошников фитначилар билан бирга бормаганини унутмайлик. Ахир сизларга маълум-ку. Атиги учта самолёт бўлса, «Оқ уй» ҳам, Кремль ҳам ер билан яксон бўлар эди. Айтишларича Чернавин фитначилар билан бирга бормаган, Грачев бормаган. Ленинград округининг қўмондони Самсонов шаҳар ҳокимига ёки ҳоким унинг ҳузурига, аниқроғи шундай бўлса керак, борган. Улар гаплашишган. Қўмондон: хотиржам бўлинг, Ленинградга қўшин киритилмайди деган. Мен бу ҳақда Анатолий Александрович Собчак билан суҳбатлашдим. Мана шундай генералларимиз ҳам бор. Умуман, армия — офицерлар, ўрта состав исёнчилар билан бормади. Армия энди бо[illegible]ча армия эканини кўрсатди. Келинглар, унга муносиб баҳо берайлик: қийин, катта ва изтиробли қайта қуриш жараёнлари натижасида бизда бошқа армия юзага келмоқда.

Акс ҳолда исёнчилар ўз режаларини осонгина рўёбга чиқарган бўлур эдилар.

Депутат Мартиросян ўз нутқида ҳам, хатида ҳам СССР Бош прокурори тўғрисидаги масалани қўйган. СССР Бош прокурори ўз вазифаларини бажаришни тўхтатиб туриш ҳақидаги масала сессиядаги бошқа нутқларда ва хатларда ҳам кўтарилди. Аммо бунинг учун аниқ ва равшан маълумотлар бўлиши зарур. Мен тўла аниқлик киритиш учун бу ишни батафсил текшириб кўриш ҳақида топшириқ бердим. Агар зарурат туғиладиган бўлса, съезд олдига масала қўйилиши керак. Бу ўринда ҳам шубҳа бўлиши мумкин эмас. Аммо биз «Известия» рўзномасида аввал бир нарсани, эртасига бошқ

*Мангуликка дохил удумлар*

# ИЛДИЗИНГДАН АЙРО ТУШМА

Қайинлари иззатини қаттиқ тутиб ҳали улар ҳузурида бир оғиз сўзламаган, овозидан нишон бермаган келинчак тўлғоқ хабарини қайнонасига эри орқали билдирди. Тўнғич неварани кутаётган ёшгина қайнона худди ўзини дард тутгандек, бу хабардан қўрқди, шошиб қолди. Элнинг кайвониси, ҳамиша таҳоратли, уст-бошига чиғ (гард) теккизмайдиган қайинмомо унинг жонига оро кирди.

— Бисмиллоҳу роҳмонир роҳийм, — дея у аввало хонанинг тўрт бурчагига оппоқ зоғ-пахталар қўйиб чиқди, — сан қўрқма, болам, ана элчи юбордим, — дея оппоқ пахталарга ишора қилди у. —Иншоолло ҳадемай Анбар эна етиб келади ёрдамга. Бу гапдан келинчак тетикланди. Ваҳима ўрнини ишонч, умидворлик эгаллади. Анбар эна-катта шайх Занги отанинг хотини. Тўлғоқ тутган аёллар, ё Анбар эна, ё Биби Фотима, дея улардан мадад исташади, мушкуллари кушод топади.

— Ҳеч кимга билдирмай тур. Нена одам эшитса, шунча одам учун дард чекади бу. Ҳам бола оёқлайди (туғиш узоққа чўзилади), — дея тайинлади у катта келинига. Зум ўтмай хонани исириқнинг хуш бўйи тутди. «Ҳазор исвант, ҳазор исвант, турли балога даво исвант», — дея исириқни келинчакнинг уёқ-бу ёғидан айлантирди қайинмомо. Тўлғоқ зўрайгандан зўрайди.

Кўзи ёриган аёл тўрга ётқизилиб, унга сут, сариёғ, ун қўшиб тайёрланган қовурма буламоқ — атала ичиришди. Доя чақалоқни оғиздатишга — эмизишга келтирди.

— Оналик бир томону доялик бир томон. Боланинг феъл-атвори, баднафс ёки читойи (камовқат, нозик таъб) кўнгилчан ё бераҳм бўлиши уни туғдиришга ёрдамлашган энагага боғлиқ, — дея гапиришади Хоразмда. Бу гап-сўзлар дояларга катта масъулият юклар, уларни эл-юрт ичидаги обрў-эътиборига ишора эди.

Чақалоқ туғилганининг бешинчи куни бавак-бавак (бавак гўдак дегани) маросими ўтказиларди. Қариндош-кўшни хотинлар йиғилишиб, ебичишиб овқатга фотиҳа ўқишгач, чақалоқ келтирилар, уни бир уй аёл навбатма навбат қўлга олиб «бавак-бавак» айтишарди. Ёши улуғ, ёйилиб ёзилган ували-жували аёл янги меҳмон шаънига илиқ, муборак байтлар айтишни бошлаб бераради:

**Бавак-бавак жони бавак,**
**Отасининг хони бавак,**
**Онасининг жони бавак,**
**Худони ёрони бавак.**

Иккинчи аёл чақалоқни тавоф қилиб, эҳтиётлик билан қўлга олар, унинг узоқ умр кўриши, боши тошдан бўлишини тилаб айтишувни давом эттиради:

**Бешдан ўтдинг — тошдан ўтдинг,**
**Пайғамбар ёшига етдинг,**
**Бак-бавак дур бавак, жон бавак.**

(Бак, дур сўзлари бу дунёда кўп вақт тур, узоқ умр кўр маъносини беради). Бавакнинг қутлуғ, қадам келиши, ота-онасининг ишлари юришиб мартабаси улуғ, ризқи-рўзи мўл бўлиши ҳақидаги эзгу тилаклари мужассамлашган байтларни учинчи аёл овоз чиқариб айтади. Бу билан гўё йиғилганларга ҳам яхши кунлар ёр бўлиши тиланади:

**Бедовланган отлар мингай**
**Бу бавакнинг отаси,**
**Говмишланган сигир соққай**
**Бу бавакнинг онаси.**

Шу тариқа иссиқ-илиқ меҳрлар самимий сўзлар орқали чақалоққа ўтар, гўё шу ерда ўтирган аёлларнинг ўз боласидай севимли, азиз бўларди. Бола улғайгач онаси: шу холанг сенга дим (жуда) хушрўй, бавак-бавак айтган, ўғиллари билан жўра, қизлари билан опа-ука бўлиб юр, яхшими, дея ёш қалбга қариндошлик куртакларини сочар, бола ҳам уларнинг ҳар бирининг ўт-сувига қарашар, ўз навбатида аёллар боланинг хуш қилиқларини алқаб, чакки қадамига дакки бериб тўғри йўлга солишарди. «Бегонанинг боласи билан на ишим бор» тушунчаси йўқ эди. «Бир қизга қирқ уйдан тиғ» мақоли шулардан қолган. Ҳозир фарзандлар сунъий туғдирилиб, сунъий эмизилиб, ёзув столидаги хатлар, телефонлар орқали «тарбияланаётган», ўзганинг боласи тугул ўз боласига танбеҳ беришга оналар вақт тополмаётган эканлар, шўрлик болалардан на таъма?! Ўз дардимизга берилиб кетмай, унутилаётган «бавак-бавак»ка қайтсак...

Инсоннинг ҳар нарсадан азизлигини аждодларимиз доимий таъкидлаб туришган. Чақалоқни онанинг ўзи бешик сотиб олиб белаб ташлайверган эмас. Илк фарзанд туғилганда, қизнинг ота-онаси яқинлари етовида бахмал-атласлар билан безатилган бешиклар келтиришган. Бешиклар Хоразмда асосан яхши қайишувчан пишиқ-пухта самбит ёғочидан харротлар томонидан тайёрланган. Дувакини (бешик остига қўйиладиган идиш) қўлоллар, сумаккини дурадгор — йўниқчилар ясашган. Болани дунё билан ошна қилиш, теварак-атрофга қизиқтириш, фикрлаш, ўйлашга ўргата бориш мақсадида учар қушнинг улгиси (нусхаси)ни олишга қодир моҳир наққошлар бешикни қуёш, ой, юлдузлар, турфа гуллар билан безашган. Битта бешик дунёга келгунча шунча ҳунарманд меҳнати сингган.

Энг аввало бешик ичига шолининг қовузи (пўсти) тиқиб тикилган, катта-кичик иккі тўшакча қўйилган. Сўнг асл матодан қўлбоғлоқ қилинган. Ўртий — ёпинчоқлари ҳам бахмал, атласдан тикилган. Бола бешикда таги хўл бўлмасдан, безовталанмасдан, оёқ-қўллари тўғри ўсишига мосланган ҳолда ётқизилиб, маҳкам танғилади. Илк бор бешикка белаш ҳуқуқи серфарзанд, покиза, от-обрўли аёлга тегади. Ёш она бешикка тўғри белаш, ундан олиш қоидаларини ўрганиб ўтиради.

Хоразм саратони ўта иссиқ, қиши жуда совуқ бўлганиданми, бу ерда чақалоққа жубба (курта ҳам дейилади) кийгизилади. Ёзги жубба юпқагина пахта солинган оқ буклам (чит мато)дан тикилади (Маълумки, оқ ранг иссиқни ўзидан қайтариш хусусиятига эга). Қишки жубба иссиқ, табиий матодан пахтани қалинроқ солиб тайёрланади. Бош кийим — тўппи ҳам шу тарзда тикилади.

— Жубба, тўппида юрган болани иссиқ урмайди. Йиқилса боши лат емайди. Тақир-юпқа калла дурс этиб тушади-да, — тушунтиришади кексалар, — авваллари уч-тўрт ёшгача жубба, етти яшаргача дўппи кийгизардик болаларга.

— Фарзанд — аллонинг шарофати. У ҳам дарахт мевасиким фасл ўтгач ҳосил кўтариб бўлмас. Табаррук ёзувларда битилишича, ҳар бир аёл икки қўлининг бармоқлари сонича, яъни ўнта, узрли сабаб бўлса бир қўлининг бармоқларича — бешта фарзанд ўстириши қарзу-фарз экан, — қироат билан дейди Розия момо. — Серфарзандларни одам Ато, Момо Ҳаво ёрлақайди. Айниқса, эгизак тўққан аёлнинг дилини оғритиш ёмон. Ҳатто унинг томини босқилиш гуноҳ. Ҳа, она бўлган аёл муқаддас саналиб эъзозланган. Янги бўшанган аёлнинг қўлини қирқ кунгача иссиқ сувдан совуқ сувга урдиришмаган. Кир ювиш, хамир қориш, нон ёпиш каби оғир ишлардан озод қилишган. Унинг ҳузурида аччиқ-санчиқ гаплардан тийилишган. Нохуш хабарларни сир сақлашган. Сути мўл бўлсин деб хушхўр, мазали таомлар билан сийлашган. Қайнона, қайнмомолар унга азалий аллаларни ўргатишган-

**Аллалар айтсам ўзингга,**
**Уйқулар келгай кўзингга,**
**Сансан мани жоним-а,**
**Жона гаракли дармоним-а.**
**Дармон бергай дорисиз-а,**
**Умр-кун бергай қайғу ғамсиз-а,**
**Қайғуда қўйсанг нетойин-а,**
**Сенсиз қаёна гетойин-а,**
**Бубуллар сайрар боғларда,**
**Қийиклар ўйнар тоғларда,**
**Бу тоғлардан тоғ бўлмас,**
**Сувсиз чўлларда боғ бўлмас,**
**Қора кўзимнинг қароғисан-а,**
**Қоронғу уйим чароғисан-а,**
**Жоним айлангай жонингдан-а,**
**Гетосим ғалмас ёнингдан-а.**

Эна сутини тўйиб-тўйиб эмиб, сеҳрли аллалар оғушида тиниқиб ухлаган бола эртаклардаги паҳлавонлардай кунма-кун тўлишиб ўсиб борар, уни кўз тегишидан асраш учун бош кийимига ҳар донаси етти тешик етти кўзли кўзмунчоқ илиштирик (меваси ғилосга ухшаш, лекин қаттиқ пўстли дарахт)нинг ёғочидан матога тугиб тикилган қора зира, кумуш тангалар осиб қўйишарди. Болали уй дарвозаси олдига ёки ҳовлига одам кўзи катталигида кўплаб кўз шакли ўйилган оппоқ қоғоз осиб қўйилар, гўё кўз тегиши қайтариларди. Йиқилиб, шалпайиб қолган болаларнинг бошига тухумнинг сариғи суртилган охорли қозоқи (оқ сурп) рўмолни қаттиқ қисиб танғиб қўйишар, елкаларига шапатилаб иримига сув сепиб бало офатни даф қилишарди. Бу муолажалардан бола енгил тортарди...

—Энди мен яқинларингизга таъзим қилмасам, улар олдида сўзласам бўлаверадими? — деб сўрабди олти ойлик замонавий келинчак эридан. Бу гапни эшитган саксон яшар доно қайнмомо индамапти. Фақат етмиш яшар қайнонаси келганда икки букилиб таъзим қилибди. Унинг гапларига кулимсираб, одоб билан бош ирғаб, сўзсиз жавоб берибди. Бу манзарани кузатиб турган келинчак айтганларига пўшаймон қилиб эри орқали узр сўрабди... Жадаллаштириш жадал кетаётган, ҳамма баравариға гапираётган, тингловчи тақчил замон касридир балки замонавий келинчак бесабрлиги...

Мен доим фахрланиб юраман: Хоразмнинг келинлари ноўрин сўзламас деб! Лекин бу ҳақда ҳеч ким ҳеч қаерда сўзламаганидан ўкиниб ҳам қўяман:

**Хоразмнинг келинлари сўзламас,**
**Ширин-ширин сўзлар — ёпган нонлари,**
**Сўзлари — хўп безатган дастурхонлари.**
**Таомлари асал тилида сўзлар,**
**Кўк чойлари ғазал тилида сўзлар,**
**Келинлари сўзламай сизни сизлар.**
**Бийрон-бийрон сўзлар ўғил-қизлари,**
**Гул тилида сўзлар босган излари,**
**Лекин сира сўзламайди ўзлари.**
**Олтин бўлар тупроқ олса қўлига,**
**Ҳеч кимса ғов бўлолмайди йўлига,**
**Йўл бермайди, из бермайди тилига.**
**Уруш-айтиш, «жанглар» йўқ бу уйларда,**
**Кўнгил қолишмалар йўқ бу уйларда,**
**Кўнгил ҳам, қорин ҳам тўқ бу уйларда.**

**Сўзламаган тилларингга шакарлар,**
**Сени ширин тилли келин атарлар,**
**Иззатингга лойиқ иззат этарлар.**
**...Хоразмнинг келинлари сўзламас.**

—Хоразмда келинлар сен айтгандай узоқ вақт сўзламай юрган вақтларда, — дея ҳикоясини давом эттиради Розия момо. — Амударёдан қўли билан балиқ овлаб қуёшда пишириб ейдиган Хўббимқулидай ғуч йигитлару дарё сувини буғовдан чиқарган тадбиркор Тўрабекхонимлар дунёга келган. Энди эса... қайинларнинг қарғиши урганиданми, келинлар қўлида чалажон болалар кўпайган. Кексалар унча-мунчага қарғамас, қарғаса, ёмон... Нишонга урган мергандай. Бировнинг минг югурган бирла ризқи ортмаса, косаси оқармаса: э, дуоибад олган бу, дейишади. Қайинларига тик гапиргандан ориятли, ризқи-рўзли фарзанд бино бўлмас...

Уллибиби ОТАЕВА,
Хоразм.

# ХИТОЙ—ЎЗБЕКИСТОН:

## ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Хитой Шаньси вилояти қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг олимлари ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш учун Ўзбекистонга келдилар. Уларни Ўзбекистонда олиб борилаётган илмий-тадқиқотларнинг, жумладан селекция ва уруғчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги илмий-тадқиқотларнинг ҳамда ғаллакорликнинг аҳволи айниқса қизиқтирмоқда — ушбу тармоқни ривожлантириш учун икки мамлакат олимларининг куч-ғайратини бирлаштириш мўлжалланган.

Делегацияни Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг президенти А. И. Имомалиев қабул қилди.

— Ғаллакорлик ва пахтачилик соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш зарурлиги равшандир, — деди у. — Атроф муҳитига сув ва шамол эрозиясининг таъсири, заҳарли моддалардан фойдаланиш натижасида кўп мамлакатларда, умуман бутун дунёда ғалла етиштириш камайиб бормоқда.

Шу сабабли тупроқ унумдорлигини ошириш, дон, дуккакли экинлар, озуқа экинларига ва ғўзанинг тез пишадиган, касалликларга чидамли ва юқори ҳосилли навларини яратиш муаммоларини ҳал этишда куч-ғайратларни бирлаштиришга қарор қилинди. Хитой томони билан академиямиз илмий-тадқиқот илмгоҳлари ўртасида узоқ муддатли ҳамкорлик қилиш тўғрисида аҳдлашувга эришилди. Бизни Хитойда деҳқончилик фанининг ютуқлари, шерикларимизни эса ўзбек олимларининг қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва ирсиятида орттирилган тажрибаси қизиқтирмоқда. Республикамиз учун толаси кўп бўлган пахта навларини яратиш юзасидан ҳамкорлик алоҳида аҳамиятга моликдир.

(ЎзТАГ).

# ТОШГА ЎЙИЛГАН МУҲАББАТ

Ёшлигимдан Ҳиндистон ҳаётига, куй-қўшиқларига жуда қизиқаман. Бу мафтункор эртаклар юртини бир кўриш орзусидаман. Шунинг учунми ТошДД шарқ тиллари куллиётининг битирувчиси Гулбаҳор Вафоеванинг Деҳли дорилфунунида ўқиб қайтганини эшитиб, у билан танишиш ва суҳбатлашиш истаги туғилди.

Гулбаҳор билан куллиётнинг ҳинд филологияси кафедрасида учрашдик.

**— Илк таассуротларингизни гапириб берсангиз.**

— Мени таажжублантирган нарса тайёрагоҳдан чиққанимиздан кейинги ҳаво бўлди. Иссиқ, оғир бир нарса сизга келиб урилгандай бўлиб кишини лоҳас қилади. Бизни кутиб олишга чиққан автобусга зўрға етиб олдик. Яхшики автобус ичига совутгичлар қўйилган экан. Тайёрагоҳ шаҳардан анча узоқ бўлгани учун йўлдаги қишлоқларни, уйларни, одамларни фақат китоб ва кино орқалигина таниш бўлган диёрни кўриш, томоша қилиш кишига завқ бағишлайди. Биз Янги Деҳлидаги талабалар ётоқхоналарининг бирига жойлашдик.

**— Ҳиндистондаги ёшлар ҳаёти, уларнинг қизиқиш ва интилишлари ҳақида ўз кузатишларингизни ўртоқлашсангиз.**

— Ёшларнинг дунёқарашлари жуда кенг. Ҳар томонлама билимли бўлишга ҳаракат қилишади. Ўз классик адабиётларига қизиқиш ниҳоятда кучли. Тез-тез ғазалхонлик кечалари бўлиб туради. Биз боргандан кейин олий таълим вазири билан талабаларнинг учрашуви бўлди. Олий таълим билимгоҳларида тартиб биздагидан бутунлай бошқача. Талабаларни ўқитиш кучли. Ҳамма ўзи учун тиришиб ўқийди. Ўқитувчининг вазифаси маъруза ўқиш, билим бериш, холос. Лекин талабалар билим савиялари кучли бўлмаса, ҳеч қаердан яхши иш тополмасликларини билишади.

**— Дўстлар ҳам орттиргандирсиз?**

— Албатта. Жуда кўп дўстларим бор. Сунил Жейн — ҳуқуқшунослик, Ратна Вора сиёсий ўқув куллиётида ўқишади. Мен улар билан жуда кўп баҳслашдим. Ҳар гал уларнинг билимдонликларига қойил қолардим. Яна мени ўзига жалб қилган нарса ҳиндларнинг бири-бирига бўлган самимий муносабатлари, меҳр-оқибатлари бўлди. Улар ёнатрофга бефарқ, беэътибор қарашмайди. Айниқса, миллий урф-одатларни қадрлашади.

**— Мен ҳам миллий урф-одатлар ҳақида савол берувчи бўлиб тургандим.**

— Урф-одатларга амал қилишда ҳинд дўстларимиздан ўрнак олсак арзийди. Улар қанчалик замонавий бўлишмасин, миллийликка интилишади. Ҳафтанинг кунларини бўлиб қўйишган — миллий кийим кунлари, Европа кунлари, деб. Тарихни, ўзларидан олдинги авлодни ўта ҳурмат қилишади. «Махабхарата», «Рамаяна» сингари афсоналарни ҳатто ёш болалар ҳам куйлаб юришади. Дам олиш кунлари эрталаб телевизордан албатта, «Рамаяна»нинг эпизодлари кўрсатилади. Шу пайтда кўчада ҳеч ким юрмайди. Дўконлар ҳам мана шу кўрсатувдан кейин иш бошларкан. Ўқиш давомида саёҳатларда ҳам бўлдик. Ҳиндистонда диний ақидалар кучли бўлгани учун диний байрамлар жуда кўп ўтказилади. Гуада бўлганимизда «Холли» байрамида қатнашиш шарафига муяссар бўлдик. Бу байрам айни баҳорда ўтказилиб ранглар байрами, гўзаллик байрами дейиларкан. «Холли»дан бир кун аввал катта олов ёқилиб, барча ёмон нарсалар куйдирилиб юборилар экан. «Холли» байрами бир афсонага боғлиқ дейишади.

**— Шу афсонани айтиб бersangиз.**

— Қадимда бир подшо ўтган экан. У кўп ерларни босиб олибди, бойлик орттирибди. Кейин ўзини худо деб эълон қилиб, қавмларидан ўзига сиғинишни талаб қила бошлабди. Подшонинг синглиси Холли акасини худо деб қабул қилиб, сиғинибди. Ёлғизгина ўғли эса отасининг худолигини тан олмабди. Шунда ўғли отасидан олов ёқишни ва ҳар ким ўз эътиқоди билан оловга киришини, кимнинг худоси оловда қуйишдан сақлаб қолса, ўша худога сиғинишини айтибди. Подшо синглисига ўтда ёнмайдиган махсус кийим кийдирибди. Шундай бўлса-да, оловда синглисининг куйган жасади қолибди. Ўғли эса куймай омон ўтиб кетибди. Мана шу пайтдан бошлаб худонинг кароматига ва «Холли»нинг хотираси учун шу байрам ўтказиларкан. Бу кунда ҳамма бир-бирига турли ранглар сочишади. Ҳеч ким ҳеч кимдан хафа бўлмайди. «Ганг буже»—яъни «Ганг дарёсига сиғиниш» байрами ҳам бор. Бу ҳар ойнинг маълум кунларида ўтказилади. Шу куни «Ренгведа» каби муқаддас китоблардан оятлар ўқилади, диний ашулалар айтилади. Қишда бўладиган «Девали» байрамини олов байрами деса бўлади.

Менинг ёдимдан чиқмайдиган нарсалардан бири Аградаги «Тож Маҳал» мақбарасидир. Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, деганлари рост экан. Дунёдаги етти мўъжизанинг бири, Шоҳ Жаҳоннинг малика Мумтоз Маҳалга совғаси. Ҳиндлар уни «Тошга ўйилган муҳаббат рамзи», деб эъзозлашаркан. Ҳақиқатдан ҳам бир гўзални тўрт соқчи бегона кўзлардан қўриқлаётгандай таассурот қолдиради кишида.

**— Улар Ўзбекистон ҳақида ҳам билишадими, ёки!..**

— Иттифоқдан борганларни руслар деб қарашаркан. Ҳинд ёшлари Совет Иттифоқи ҳақида жуда кўп нарса билишади. Ҳозирги қайта қуриш, бизнинг мамлакатимиздаги ўзгаришлар билан қизиқишаяти. Ўзбекистон ҳақида яхши билишмайди. Тарихий Самарқанд, Бухоро ҳақида сўрашади. Совет Иттифоқида Ўзбекистон деган юрт борлигини, бу ерда ўзбеклар яшашини, урф-одатлари, яшаш тарзлари ҳиндларга яқинлигини гапириб бердик. Айниқса, тўйларда урф-одатимиз бўйича келин-куёвни олов атрофида айлантиришимиз, қизларимизни ҳаёли, иболи эканлигини эшитиб улар ҳам хурсанд бўлиб кетишди.

**— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.**

Шаҳноза МИРЗАРАҲМАТ қизи.

# ХЎЖАНДДАН ХАБАРЛАР

## МУЪЖИЗА КУТИШ ЯРАМАЙДИ

Етарли даражада тайёргарлик кўрмасдан «бозор»га ўтишнинг аёвсиз зарбалари Ленинобод вилоятида ҳам кўпроқ сезилаётир. Яқинда навбатдаги сессияга йиғилган вилоят халқ депутатлари ҳозирги иқтисодий қийинчиликни енгиб ўтиб, тўғри йўлга чиқиб олиш ҳақида маслаҳатлашдилар, фикрлашдилар, баҳслашдилар.

Вилоят ижроия қўмитасининг раиси Ж. Шокиров 1990 йил январидан жорий йил июлигача қилинган ишлар ва олдинда **турган** муҳим, долзарб вазифалар ҳақида гапирди. У мавжуд бой иқтисодий манбаларни вилоят манфаатларига ишлатиш, жаҳондаги илғор ишлаб чиқариш усулларидан ўрганиш ҳисобига ҳозирги танг аҳволдан чиқиб, аҳоли ҳаётини яхшилаш тўғрисидаги дастур билан депутатларни таништирди.

Ҳозир уддабуронларнинг замони келди. Лекин вазиятдан фойдаланган ҳолда топилган валюта ҳисобига нуқул камёб газламалар, видеоаппаратура, автомобиллар олишга зўр бераётган корхоналар раҳбарлари янги технология ҳақида ўйлашмаяпти. Бундай йўл тутиш эса, эрта-индин қийинчиликни янада кўпайтириб юбориши сессияда мисоллар билан айтилди. «Сиздан угина — биздан бугина» усулида маҳсулот айирбошлашдан ҳам фақатгина айрим зарур моллар ишлаб чиқарётган корхоналар манфаатдор бўлаётгани таъкидланди. Келтирилаётган моллларнинг юз фоизини уларнинг ўзлари олишлари инсофдан эмаслиги, бундай ҳолатда ижтимоий соҳа хизматчилари бўлмиш муаллимлар, шифокорлар, маданият ходимлари қийналиб қолишлари ҳаққоний равишда айтилди.

Сессияда танг ҳолатдан чиқиш учун ҳамманинг ҳамжиҳатлик билан ишлаши, вазифалар ижроси сари аниқ ва дадил қадамлар ташланиши зарурлиги ҳақида бир тўхтамга келинди.

## ИЛМИЙ МАРКАЗ

Дунёга ўнлаб донги кетган олимлар етказиб берган қадимий Хўжанд шаҳрида янги илмий марказ очилди. Тожикистон ССР Фанлар академияси раёсати қарорига кўра мазкур академиянинг илмий маркази ташкил этилди.

Унга жумҳурият ботаника институтининг Сир соҳилидаги ботаника боғи, академия илмий-тадқиқот институтларининг Ленинобод вилоятидаги химия, физика-техника, геология, зилзилага чидамли қурилиш ва сейсмология, зоология, паразитология лабораториялари асос бўлди.

Жумҳурият марказидан анча олисда жойлашган вилоятда бу марказнинг очилиши шубҳасиз, Шимолий Тожикистонда табиий ва ижтимоий фанлар равнақига катта хизмат қилади.

Ўринбой УСМОН.

## ЭЛ ЭЪЗОЗИ — МЕҲНАТДАН

Оддий ўроқни ёки деҳқоннинг қўлига, унинг дидига мос тушадиган ҳаниқий кетмоннинг магазинларда сотилганини қачон кўргансиз? Бизнинг атом, техника асрида яшаётганимизни ҳеч ким иккор этолмайди, лекин асосан оддий қўл ўроқ ёки арра қишлоқда яшаётган оналаларнинг тирикчилик қуроллари ҳисобланади. Нафақат булар, умуман дидга мос асбоб-анжомлар ҳамма жойда ҳам энг зарур ашё эканлиги сир эмас.

Кўп йиллардан бери кишиларнинг ана шундай меҳнат қуролларини созлаб бериб, уларнинг олқишини қозониб келаётган Мўминжон аканинг номини Андижон вилоятининг Ильичевск шаҳрида кўпчилик мамнуният билан тилга олади. У киши бу обрў-эътиборга ўзининг ҳалол ва сидқидил меҳнати, ота касбига бўлган чуқур ҳурмат-эътиқоди, эъзози туфайли эришди.

Ота бугунги кунда ўз фарзандлари Муҳиддин ва Озодбекларга ҳам ўз касби сир-синоатларини, чархлаш маҳоратини ўргатмоқда.

П. СОДИҚ ўғли.

СУРАТДА: чархчи Мўминжон Қаюмов.

Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

# ИШ ВАҚТИНИ КИМ БЕЛГИЛАЙДИ?

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси ва Ўзбекистон ССР касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши «Республика вазирликлари ва идоралари, корхоналари ва муассасаларининг иш тартибини ўзгартириш тўғрисида» апрель ойида қарор қабул қилганди. Унда аҳолининг, меҳнат жамоаларининг истаклари ҳисобга олиниб, 1991 йил 8 апрелдан ишни эрталаб соат 9 да бошлаш белгиланди.

Қарорда транспорт, алоқа, умумий овқатланиш корхоналарида иш вақтини минтақа вақтига мувофиқлаш вилоят ижроия комитетлари, вазирликлар ва идораларга топширилди.

Лекин амалда айрим корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари ҳоҳлаган иш вақтини белгилаб, буйруқ чиқармоқдалар. Улар меҳнат жамоаси ва касаба уюшмаси комитетининг розилигисиз юқори идоралар билан келишмасдан иш вақтини ўзгартиришяпти.

Масалан, Олтиариқ ремонт ишлаб чиқариш корхонасида касаба уюшмаси комитетининг розилигини олмасдан иш соати эрталаб 8 дан белгиланган. Шу райондаги 76-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колонна идораси ҳам иш вақтини шу тахлитда ўзгартирган.

Аҳолига хизмат қиладиган ташкилот ва муассасаларнинг ишлаш кунлари ва вақтини шаҳар-район ижроия комитетлари белгилайди. Бунда ижроия комитетлари аҳолига ишдан бўш вақтлари ва овқатланиш танаффусларидан имконияти борича фойдаланиш учун шароит яратиб беришлари лозим.

Амалда эса кўпинча тескариси бўлиб чиқади. Колхозчи, совхоз ишчиси далага кетиш олдидан қишлоқ савдо дўконидан бирор нарсани харид қилолмайди. Чунки улар ишга жўнайдиган эрталабки соат 6-7 да савдо тармоқлари берк бўлади. Аксинча ҳамма ишда бўлган пайтда савдо дўкони кун бўйи очиқ туради.

Аҳолига маиший хизмат қиладиган корхонанинг айримлари ҳам иш соатини колхозчи, ишчи-хизматчиларнинг иш соатига тўғрилаб олганлар. Ҳолбуки улар иш вақтини ўзгартириш билан бирга шанба ва якшанба кунлари ишлаб, ҳафтанинг бошқа кунлари дам олишлари лозим.

Шаҳар бедарвоза эмас, дейди халқимиз. Шунинг учун ҳам советлар ижроия комитетлари, меҳнат жамоалари ҳамда касаба уюшмалари комитетларининг розилигисиз иш кунлари ва соатлари ўзбошимчалик билан ўзгартирилмаслиги керак. Аҳолига хизмат кўрсатадиган корхоналар, ташкилот ва муассасалар иш соатларини корхона пештоқига фақат ёзиб қўйиш билан чекланмасдан оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилишса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Р. МУХТОРОВ,
Олтиариқ район советининг катта ҳуқуқшуноси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Н. С. САЪДУЛЛАЕВ.

Таҳрир ҳайъати: А. А. АБДУЛЛАЕВ, Ф. Й. АБДУРАҲИМОВА, И. Г. ВОЛКОВ, Д. М. ҒУЛОМОВА, С. С. ҒУЛОМОВ, З. И. ЕСЕНБОЕВ, А. И. КОВАЛЕВ (масъул котиб), Л. П. ҚАЮМОВ, Тоҳир МАЛИК, М. МУҲАММАДҚУЛОВА, С. Ф. МУҲИДДИНОВ (масъул котиб), Т. Э. НАЗАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), З. Қ. НОРМУҲАМЕДОВ, Л. Н. ПАК (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Р. ПИДАЕВ, М. РЎЗИМАТОВ, О. Р. САИДОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), В. Н. СИГЕДИН, Ш. ТЕМУРОВ.

МУАССИС: Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП
Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй
Телефонлар: 32-09-67, 33-07-48. Индекс: 64608. Буюртма № 5837.
118800 нусхада чоп этилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри, 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди: 01.00. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12